

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

51-сон
(1019)
2021 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

764. «Тадбиркорлар кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 декабрдаги ўРҚ–739-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

765. «2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги ПФ–35-сон Фармони

766. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги ПФ–36-сон Фармони

767. ««Термиз» эркин иқтисодий зонаси худудини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги ПФ–37-сон Фармони

768. «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ–55-сон қарори
769. «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ–57-сон қарори
770. «Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни тадқиқ қилиш, стратегик режалаштириш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 декабрдаги ПҚ–58-сон қарори
771. «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ–60-сон қарори
772. «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ–61-сон қарори
773. «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ–62-сон қарори

Учинчи бўлим

774. «Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 декабрдаги 769-сон қарори

Бешинчи бўлим

775. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 декабрдаги 45-2021-сон ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 3-сон «Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомнинг 49-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780-4)

776. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 13 декабрдаги 76-сон «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1982-2*)
777. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 ноябрдаги 44-2021-сон «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юклагаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3076-1*)
778. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 4-сон «Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3165-1*)
779. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2021 йил 10 декабрдаги 37-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-7*)
780. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 1 декабрдаги 13-тв-сон «Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-system»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2594-2*)
781. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 1 декабрдаги 14-тв-сон «Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3312-1*)
782. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 25/ЮБ-14-сон «Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ходимлари учун ишлар хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Ад-*

лия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2213-4)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

764 Тадбиркорлар кунини белгилаш тўғрисида*Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 19 ноябрда қабул қилинганСенат томонидан 2021 йил 15 декабрда
маъқулланган**1-модда.** 20 август Тадбиркорлар кунини эътиборан белгилансин.**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти****Ш. МИРЗИЁЕВ**Тошкент ш.,
2021 йил 23 декабрь,
ЎРҚ-739-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 декабрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

765 2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида*

2022 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш учун дам олиш ва байрам кунларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. 2022 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:

а) барча ходимлар учун (иш ҳафтасининг туридан қатъи назар): 3 январь — душанба, 22 март — сешанба, 23 март — чоршанба, 11 июль — душанба, 2 сентябрь — жума;

б) олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун: 4 январь — сешанба, 4 май — чоршанба, 5 май — пайшанба, 12 июль — сешанба, 3 сентябрь — шанба ва 31 декабрь — шанба.

2. 2022 йилда беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун дам олиш кунлари қуйидаги тартибда кўчирилсин:

8 январь — шанба кунидан 4 январь — сешанба кунига;

7 май — шанба кунидан 4 май — чоршанба кунига;

14 май — шанба кунидан 5 май — пайшанба кунига;

16 июль — шанба кунидан 12 июль — сешанба кунига.

3. Белгилаб қўйилсинки:

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-банди «а» кичик бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини беш иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармоннинг 1-банди «а» кичик бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш куни меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жа-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 декабрда эълон қилинган.

моа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси кўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

4. Байрам (ишланмайдиган) кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолисининг мароқли дам олиши учун:

Туризм ва спорт вазирлиги туризм намойиши объектлари (маданий мерос ва спорт объектлари, музейлар) ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилиши ҳамда акциялар ўтказилишини ташкиллаштирсин;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда санаторийлар ва соғломлаштириш муассасалари учун чегирмалар бериш ҳамда акциялар ўтказиш тавсия этилсин;

«Uzbekistan Airways» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга ички транспорт қатновлари учун чегирмалар бериш ва акциялар ўтказиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳолининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

7. 2022 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-6122-сон ҳамда 2021 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-6122-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-6222-сон фармонлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур Фармон 2023 йил 1 январдан эътиборан ўз кучини йўқотади.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 декабрь,
ПФ-35-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**766 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5643-сон, 2020 йил 25 сентябрдаги «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6074-сон, 2021 йил 9 июндаги «Худудларнинг sanoat салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6244-сон фармонларига мувофиқ, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, улар иштирокчиларига қулай шароитлар яратиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 декабрь,
ПФ–36-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги
ПФ–36-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги «Чорвоқ» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5273-сон Фармонида:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 декабрда эълон қилинган.

а) номланиши, 1, 2, 5, 9-банднинг учинчи хатбошиси, 10, 11 ва 15-бандлардаги «эркин туристик» сўзлари «туристик-рекреацион» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туристик-рекреацион зона махсус иқтисодий зонанинг бир тури ҳисобланади;

туристик-рекреацион зона ва туристик-рекреацион зона иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари, шу жумладан, махсус иқтисодий зоналар ва улар иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва преференциялар татбиқ этилади»;

тўртинчи хатбошидаги «эркин туристик» сўзлари «туристик-рекреацион» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент вилоятининг махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда — маъмурий кенгаш) зиммасига туристик-рекреацион зона бўйича маъмуриятчилик функциялари юклансин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5412-сон Фармонининг 5-банди иккинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «Эркин» сўзи «махсус» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5600-сон Фармонида:

а) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги «эркин» сўзи «махсус» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент
шаҳри махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат
зоналари маъмурий кенгашларининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими, маъмурий кенгаш раиси.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — вилоят ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи, маъмурий кенгаш раисининг ўринбосари.

3. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, вилоят ва Тошкент шаҳар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи.

4. Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоят ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси бошлиғи.

5. Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи.

6. Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири, вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, вилоят ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи.

10. Қорақалпоғистон Республикаси транспорт вазири, вилоят ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси бошлиғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар бўйича бош бошқармаси бошлиғи.

12. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридаги бошқармаси бошлиғи.

13. «Худудгазтаъминот» АЖнинг ҳудудий газ таъминоти ташкилоти раҳбари.

14. «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг ҳудудий корхонаси раҳбари.

15. Қорақалпоғистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари, вилоят ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, маъмурий кенгашнинг махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари бўйича котиби».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5719-сон Фармонида:

3-банддаги «Навоий вилоятидаги Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашига» сўзлари «Навоий вилояти махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг еттинчи хатбошисидаги «Навоий вилоятидаги Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши» сўзлари «Навоий вилояти махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатла-

рини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ-5780-сон Фармонига 1-илованинг 23 ва 24-позициялари «Масъул ижрочилар» устунидаги «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5997-сон Фармони 2-банди бешинчи хатбошидаги «чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин» сўзлари «чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги «Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6053-сон Фармони 2-бандининг «а», «в», «ж», «к» кичик бандлари, 4-банднинг «а» кичик банди, 11-банд, 17-банднинг «а» ва «б» кичик бандларидаги «эркин туристик» сўзлари «туристик-рекреацион» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6218-сон Фармонига 3-илованинг 35-позицияси «Амалга ошириш муддатлари» устунидаги «2021 йил» ва «2022 йил» сўзлари «2023 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 майдаги «ХХР Эксимбанки иштирокида «Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва сув йўлидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-855-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги» сўзлари «Ўзсувтаъминот» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Фарғона вилояти «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси» сўзлари «Фарғона сув таъминоти» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8 ва 9-бандлардаги «Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг» сўзлари «Ўзсувтаъминот» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Хоразм вилояти Тошсокин тизимидаги магистрал суғориш каналларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1849-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 6-банддаги «на руководителя Агентства по реализации проектов в

сфере водного хозяйства при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан (далее — Агентство)» сўзлари «на министра водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Агентством» сўзи «Министерством водного хозяйства» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «по другим проектам Агентства» сўзлари «по другим проектам Министерства водного хозяйства» сўзлари билан алмаштирилсин; тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 11 — 13-бандлардаги «по заявкам Агентства» сўзлари «по заявкам Министерства водного хозяйства» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ–2731-сон қарорига 1-иловининг 67-позицияси «Масъуллар» устундаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Иқлим ўзгаришига мослашиш ва Орол денгизи ҳавзаси учун унинг оқибатларини юмшатиш бўйича дастур» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2784-сон қарорининг рус тилидаги матнида 2-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Агентство по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2900-сон қарорида:

а) 2-бандда:

бешинчи хатбоши «тасдиқлансин» сўзи билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 3-банддан «, Коммунхизмат» агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 1-иловининг рус тилидаги матнидан «Коммунхизмат агентлиги*» блоки чиқариб ташлансин;

г) 1а-иловининг рус тилидаги матнидан 4-позиция чиқариб ташлансин;

д) 7-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2908-сон «Ўзбекистон Республикасининг Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига илованинг рус тилидаги матни 11 ва 12-позициялари «Министерства/ведомства» устундаги «Агентство «Коммунхизмат» сўзлари «АО «Узсувтаъминот» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2973-сон қарорининг 3-банди олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«КСЗ фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сон қарори билан тасдиқланган Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади».

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3282-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги лойиҳани амалга ошириш, кредитлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек, лойиҳанинг барча мақсадли кўрсаткичларига эришишни таъминлаш учун жавоб берадиган ижро этувчи ҳисобланади ҳамда унинг зиммасига лойиҳани амалга оширишни бошқариш ва мувофиқлаштириш вазифалари юкланади»;

учинчи хатбошидаги «Агентликка лойиҳа учун хизмат кўрсатувчи банкда махсус ҳисобварақ очишга рухсат этилади, иш ҳақини мана шу ҳисобварақ орқали тўлаш ҳуқуқи берилади» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига лойиҳа учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақ очишга рухсат этилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Агентликнинг» сўзи «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банддаги «Агросаноат комплекси ва озиқ-овқат таъминоти соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг» сўзлари «Сув хўжалиги вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

в) 12 ва 13-бандлардаги «Агентликнинг» сўзлари «Сув хўжалиги вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3356-сон қарорида:

а) 1-банднинг «а» кичик бандида:

биринчи хатбошидаги «1-иловага* мувофиқ намунавий таркибда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи, тўртинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилардаги «эркин иқтисодий» сўзлари «махсус иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишинча бешинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг» сўзлари «Тошкент шаҳри махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) 6-бандда:

иккинчи, олтинчи — ўн иккинчи хатбошилардаги «эркин иқтисодий» сўзлари «махсус иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «эркин иқтисодий зоналар ва уларнинг иштирокчиларига» сўзлари «махсус иқтисодий зоналар ва уларнинг иштирокчиларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 10 ва 11-бандлардаги «эркин иқтисодий» сўзлари «махсус иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 7 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4931-сон Фармони 8-бандининг амал қилиши барча мавжуд ва янгидан ташкил этилаётган махсус иқтисодий зоналарнинг дирекцияларига жорий этилсин»;

з) 12-бандда:

биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошилардаги «эркин иқтисодий» сўзлари «махсус иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «, маъмурий кенгашлар ва Республика кенгашига» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

и) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги: махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш таклиф этилаётган лойиҳаларнинг доимий янгилаб туриладиган рўйхатини шакллантириш, инвестиция буюртманомаларини сифатли ва тезкор кўриб чиқиш, махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг иштирокчилари — субъектлар томонидан маъқулланган инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш юзасидан;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда махсус иқтисодий зоналарнинг ҳар бири учун шерик-мамлакатни белгилаш, салоҳиятли хорижий инвесторларни МИЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш, улар билан тизимли иш олиб бориш, шунингдек, янгидан барпо этилаётган ишлаб чиқаришларни замонавий ускуналари ва технологиялар билан жиҳозлаш қисмида махсус иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқаришни

жойлаштиришга инвестиция буюртманомаларини сифатли ва ҳар томонлама кўриб чиқиш юзасидан;

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бекор ётган ёки қурилиши тугалланмаган объектлар, самарасиз фойдаланилаётган ишлаб чиқариш бинолари ҳамда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчилари — хўжалик юритувчи субъектларнинг янгидан қурилаётган корхоналарини жойлаштириш учун ер майдонлари синчиклаб, пухта хатловдан ўтказилиши юзасидан;

б) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси — махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш бизнес-режаларини ёки инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларига кўмак бериш юзасидан;

в) «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалповистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — махсус иқтисодий зоналар қурилиши ва уларнинг ташқи инфратузилмага уланиши, махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларининг электр энергияси, табиий газ, сув билан, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ ташқи канализация тармоқлари билан узлуксиз таъминланиши юзасидан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин»;

к) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекциялари ходимларининг инвесторлар билан ишлаш бўйича, шу жумладан, махсус курслар ташкил этиш йўли билан малакаси муттасил ошириб борилишини таъминласин»;

л) 3-иловада:

номланишидаги «Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг» сўзлари «Тошкент шаҳри махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги «Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда — ЭИЗ) ва кичик саноат зоналари (кейинги ўринларда — КСЗ)» сўзлари «Тошкент шаҳри махсус иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда — МИЗ) ва кичик саноат зоналари (кейинги ўринларда — КСЗ)» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддан «ЭИЗ ва КСЗ маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) топшириқларига,» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Республика кенгашида тасдиқлаш учун» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«МИЗни ривожлантиришнинг бош режасини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаш»;

4 — 10, 22, 27-бандлар ҳамда 7-бобнинг 1-параграфидаги «ЭИЗ» қисқартмаси «МИЗ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

5-бандда:

иккинчи, учинчи, тўртинчи, саккизинчи, ўн тўртинчи, ўн олтинчи хатбошилардаги «эркин» сўзи «махсус» сўзи билан алмаштирилсин;

бешинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

еттинчи хатбошидаги «Республика кенгашига» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши «маъмурий кенгаш» сўзларидан кейин «ёки МИЗ дирекцияси» сўзлари билан тўлдирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «Республика кенгашига таклифлар киритиш» сўзлари «қарорлар қабул қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи, ўн еттинчи ва йигирма биринчи хатбошилардаги «Республика кенгашига» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг учинчи хатбошисидаги «Республика кенгашининг» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Республика кенгашининг» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Республика кенгашининг» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «Республика кенгаши ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидан «шунингдек, Республика кенгашининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошидан «, шунингдек, Республика кенгашининг ҳужжат ва топшириқлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбошидаги «эркин» сўзи «махсус» сўзи билан алмаштирилсин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Маъмурий кенгаш аъзолари ўзларининг функционал мажбуриятларини сифатли бажариш юзасидан, шунингдек:

а) Қорақалпоғистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи:

МИЗ ва КСЗ иштирокчиларининг маҳсулоти экспортга етказиб берилишига кўмаклашишнинг натижадорлиғи;

МИЗ ва КСЗ ҳудудда амалга ошириш таклиф этилаётган лойиҳаларнинг доимо янгилаб туриладиган рўйхатларини шакллантириш, зарур ҳажмдаги хом ашё ресурслари мавжудлигини, маҳаллийлаштириш даражасини, ишлаб чиқаришнинг валютада қопланишини ва яратилаётган иш ўринларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудни, инфратузилмани, саноат тармоқларини ривожлантириш дастурлари билан боғлаган ҳолда лойиҳани амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан МИЗ ва КСЗ

худудда ишлаб чиқаришни жойлаштиришга бериладиган инвестициявий буюртмаларни сифатли, ҳар томонлама ва тезкор кўриб чиқиш, МИЗ ва КСЗ иштирокчи-субъектлари томонидан маъқулланган инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш, шунингдек, корхоналарни муҳандислик таъминоти воситалари билан таъминлаш бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида шакллантирилиши ва амалга оширилиши юзасидан;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишларнинг натижадорлиги, шунингдек, ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, хорижий инвесторларнинг компетентлиги нуктаи назаридан МИЗ худудда ишлаб чиқаришни жойлаштиришга тақдим этиладиган инвестициявий буюртмаларни сифатли ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари билан биргаликда ишламаётган ва қурилиши тугалланмаган объектлар, самарасиз фойдаланилаётган ишлаб чиқариш хоналари ва ерларни синчиклаб хатловдан ўтказиш ва уларда хўжалик юритувчи субъектларнинг янгидан қуриладиган корхоналарини жойлаштириш ҳамда МИЗ ва КСЗнинг янги худудларини яратиш ёки уларни кенгайтириш бўйича таклифлар киритиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳудудий бўлинмасининг раҳбари — тадбиркорлик субъектларига бизнес-режаларни ҳамда МИЗ ва КСЗда жойлаштириш режалаштирилаётган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

в) давлат бошқаруви органининг ушбу қарорнинг 14-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича шахсан жавоб берадилар»;

12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг ишчи органи (кейинги ўринларда — ишчи орган) ҳисобланади»;

14-банддаги «ҳафтасига» сўзи «ойига» сўзи билан алмаштирилсин;

21, 22, 24, 26, 27, 28-бандлар ҳамда 7-бобнинг 2-параграфи ва 9-бобнинг номланишидаги тегишли келишиқдаги «Республика кенгаши» сўзлари тегишли келишиқдаги «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг иккинчи хатбошисидан «, шунингдек, Республика кенгашининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3586-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошисидagi «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Навоий» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш ва Навоий вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3774-сон қарорида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«КСЗ ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3356-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади»;

б) 2-иловадан 3-позиция чиқариб ташлансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Наманган вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3826-сон қарорида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«КСЗ ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3356-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади»;

б) иловадан 4-позиция чиқариб ташлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги ПҚ-3857-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандда:

ўн саккизинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (кейинги ўринларда — Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги)» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги йигирма олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳукумат комиссияси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги «Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6042-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси»;

б) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Мазкур Низомга 1-иловада кўрсатилган шакл бўйича лойиҳа ташаббускори ҳар йили 1 февралга қадар Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) кейинги уч йилда амалга ошириш учун таклиф этилаётган истиқболли лойиҳалар рўйхатини ҳамда 1¹-иловага мувофиқ уларнинг концепциялари ва мақсадли матрицаларини давлат ва англиз тилларида тақдим этади.

Давлат ташқи қарзи ҳисобига лойиҳаларни амалга ошириш 1²-иловага мувофиқ амалга оширилади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Агентлик ХМИ/ХХМТга тақдим қилиш учун лойиҳа бўйича бошқа маълумотларни ҳам сўраб олиш ҳуқуқига эга»;

в) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Давлат ташқи қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган ҳар бир лойиҳанинг лойиҳаолди баҳоланиши ўтказилгандан сўнг Агентлик уларни устуворлик жиҳатини инобатга олиб, зарурат бўлганда, малакали консультант ва экспертларни жалб қилган ҳолда лойиҳаолди баҳолаб, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кетма-кетлигини шакллантиради ва ҳар йили 1 мартга қадар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига лойиҳаларнинг якуний рўйхатини келишиш учун тақдим этади.

Лойиҳалар рўйхати уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва стратегик аҳамиятидан ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдан келиб чиқиб шакллантирилади»;

г) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар йили 1 апрелга қадар давлат ташқи қарзи ҳисобига амалга ошириш учун таклиф этилаётган ва истиқболли лойиҳаларнинг жамланма рўйхатини шакллантиради ҳамда уни лойиҳалар ташаббускорларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига келишиш учун киритади.

Амалга ошириш учун таклиф этилаётган ва истиқболли лойиҳаларнинг жамланма рўйхати тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта давомида кўриб чиқилади»;

д) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Амалга ошириш учун таклиф этилаётган ва истиқболли лойиҳаларнинг жамланма рўйхати ҳамда унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланади»;

е) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. ХМИ/ХХМТ билан ҳамкорлик қилиш стратегиялари (дастурлари)га киритилмаган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қарорлар Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда амалга оширилади».

ж) 11 ва 13-бандлар, 15-банднинг саккизинчи хатбошиси, 18-банд, 19-банднинг «а» кичик банди, 29-банднинг биринчи хатбошиси, 30-банднинг иккинчи хатбошиси, 34-банднинг биринчи ва учинчи хатбошилари, 37 ва 58-бандлар, 65-банднинг иккинчи хатбошиси, 83-банд, 84-банднинг биринчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари, 88-банднинг биринчи хатбошиси, 89-банднинг иккинчи — бешинчи хатбошилари ҳамда 91 ва 92-бандларда

ги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари тегишинча «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 14-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агентлик ХМИ/ХХМТнинг инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва баҳолаш миссияларида қатнашади, дастлабки баҳолаш ҳужжатини ХМИ/ХХМТ услубиётига мувофиқ (ХМИ/ХХМТнинг шундай услубиёти мавжуд бўлганида) тайёрлашда лойиҳа ташаббускорига ўзининг хулоса ва таклифларини тақдим этади»;

и) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Лойиҳани дастлабки баҳолаш ҳужжати асосида лойиҳа ташаббускори ХМИ/ХХМТнинг қоида ва тартиб-таомилларига мувофиқ ҳамда ХМИ/ХХМТ билан биргаликда ХМИ/ХХМТ томонидан қабул қилинган услубиётга ҳамда Агентлик билан келишилган техник топшириқларга мувофиқ лойиҳанинг ТИАсини ишлаб чиқади.

Агентлик инвестиция лойиҳаларининг ТИАсини ишлаб чиқишда вариантларни кўриб чиқиш асосида лойиҳани оқилона жойлаштириш ва амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечимини танлашни белгилашда лойиҳа ташаббускорига ўзининг хулосаси ва таклифларини тақдим этади»;

к) 48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. ЛАОГни лойиҳа раҳбари бошқаради, лойиҳа раҳбари лойиҳа ташаббускори томонидан Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, зарурат бўлганда, ХМИ/ХХМТ билан келишиб лавозимга тайинланади ва озод этилади.

Шу билан бирга, ЛАОГнинг харид қилиш, мониторинг олиб бориш ва молия масалалари бўйича мутахассислари лойиҳа ташаббускори томонидан Агентлик, зарурат бўлганда, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда ХМИ/ХХМТ билан келишиб лавозимга тайинланади ва озод этилади.

Агентлик Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда ЛАОГ иш самарадорлигини лойиҳанинг тасдиқланган техник-иқтисодий параметрлари бажарилиши ва кредит маблағлари мақсадли ишлатиши юзасидан йил якунларига кўра баҳолайди ва унинг натижалари асосида масъул ходимларни рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш ёки эгаллаб турган лавозимдан озод этиш бўйича лойиҳа ташаббускорига хулоса киритади»;

л) 60-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Лойиҳа бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг мониторингини ўтказиш мақсадида, лойиҳа ташаббускори Агентлик ва ХМИ/ХХМТ билан ҳамкорликда лойиҳанинг ТИАсига мажбурий киритиладиган мониторинг натижаларининг матричасини ишлаб чиқади.

ТИА ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳалар бўйича лойиҳа ташаббускорлари Агентлик ва ХМИ/ХХМТ билан келишган ҳолда натижалар матричасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Агентлик лойиҳани амалга ошириш даврида ҳар йил якуни бўйича лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичлари матричаси мониторингини юритади ва натижадорлигини баҳолаб боради.

Агентлик Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда давлат ташқи қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичлари матричасини мониторинг қилиш ва баҳолаш натижаларига кўра белгиланган тадбирларни асоссиз равишда ўз вақтида бажармаган қарз олувчи ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари иш ҳақининг 30 фоизигача миқдорда ушлаб қолиниши ёки уларга нисбатан интизомий чоралар кўриш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади»;

м) 61-банднинг биринчи хатбошиси «лойиҳа офиси» сўзларидан кейин «ва Агентлик» сўзлари билан тўлдирилсин;

н) 66-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Ўзинжиниринг» Республика лойиҳа институти» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ТИТК» қисқартмаси «Агентлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар харидлар тартиб-таомиллари доирасида қурилиш ишларини олиб бориш назарда тутилмаган бўлса, харид комиссияси таркибида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги вакилининг иштироқи талаб этилмайди, унинг ўрнига ТИТК вакили қатнашади»;

о) 69-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«69. ЛАОГ ёки Агентлик (тегишли лойиҳалар бўйича) харид тартиб-таомилларини ташкил қилиш учун масъул орган (кейинги ўринларда — ишчи орган) ҳисобланади. Агар лойиҳани амалга ошириш доирасида ЛАОГ тузиш назарда тутилмаган бўлса, унда лойиҳа ташаббускори томонидан тайинланган консалтинг компанияси ёки у томонидан ташкил этилган масъул гуруҳ ишчи орган вазифасини бажаради»;

п) 76-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» Республика лойиҳа институти» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

р) 85-бандда:

биринчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитасида» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида» сўзлари билан алмаштирилсин;

с) 86-бандда:

биринчи, тўққизинчи, ўнинчи хатбошилардаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари тегишинча «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

т) 93-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«93. Агентлик лойиҳа фойдаланишга топширилгандан сўнг, зарурат бўлганда, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда 5 йил давомида йилда камида бир маротаба лойиҳа ҳудудига чиқиб, тасдиқланган техник-иқтисодий параметрлар бажарилиши юзасидан мониторинг ва баҳолаш ишларини амалга оширади»;

у) 94-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

ф) Низом қўйидаги мазмундаги 1¹-илова* билан тўлдирилсин:

х) Низом қўйидаги мазмундаги 1²-илова* билан тўлдирилсин:

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Жиззах шаҳрида канализация тизимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3885-сон қарорида:

а) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. «Ўзсувтаъминот» АЖ «Жиззах сув таъминоти» МЧЖ томонидан ОТБ қарзи ўз вақтида қайтарилиши ва қарз бўйича фоизлар тўланиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида жамиятда «Жиззах сув таъминоти» МЧЖ-нинг ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар жамланадиган махсус ҳисоб рақами очилишини таъминласин»;

б) 6-бандда:

учинчи хатбошидаги «Жиззах вилояти «Сувоқава ДУК» маблағларининг «Коммунхизмат» агентлиги» сўзлари «Жиззах сув таъминоти» МЧЖ маблағларининг «Ўзсувтаъминот» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Солиев» сўзлари «Ўзсувтаъминот» АЖ бошқаруви раиси С. Саифназаров» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида ичимлик суви таъминоти тизимларини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4271-сон қарорида:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — «Ўзсувтаъминот» АЖ), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва «Қорақалпоқ сув таъминоти» МЧЖ лойиҳани амалга ошириш, ОТБ қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан ижро этувчи органлар ҳисобланади»;

бешинчи хатбошидаги «Туямўйин-Нукус» МСҚФБ» сўзлари «Қорақалпоқ сув таъминоти» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «Коммунхизмат» агентлиги» ва «Туямўйин-Нукус» МСҚФБ» сўзлари тегишлича «Ўзсувтаъминот» АЖ» ва «Қорақалпоқ сув таъминоти» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири, «Коммунхизмат» агентлиги бош директори» сўзлари «Ўзсувтаъминот» АЖ бошқарув раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-банддаги «Коммунхизмат» агентлигининг амалдаги ОТБ лойиҳаларини мувофиқлаштириш гуруҳига» сўзлари «Ўзсувтаъминот» АЖга» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 10-банддаги «Туямўйин-Нукус» МСҚФБ» сўзлари «Қорақалпоқ сув таъминоти» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 майдаги «Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4308-сон қарорининг 3-банди биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ваколатхонаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Элчихонаси ҳузуридаги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ваколатхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июлдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4399-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-иловада:

12-позициядаги «Чора-тадбирнинг номи» устунисидаги «Агентлик (Ш. Шоахмедов)» ва «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Инновациок ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов)» сўзлари тегишинча «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев)» ва «Инновациок ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-позициядаги «Чора-тадбирнинг номи» устунисидаги «Агентлик (Ш. Шоахмедов)» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев)» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-илованинг 2, 4 ва 6-позициялари «Вазирлик ва идоралардан» устунидаги «Агентлик (Ш. Шоахмедов)» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев)» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сон қарориди:

а) 2-банднинг биринчи хатбошисидан «, унинг ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илова изоҳининг иккинчи хатбошисидан «ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4410-сон қарорига 6-илованинг 8-позицияси «Қарор бандлари» устунидаги «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 августдаги «Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ-4419-сон қарорининг 6-бандидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон қарориди:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи-тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи-учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 5-илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига
юритиш учун топшириладиган сув хўжалиги соҳасидаги
инвестиция лойиҳалари
РЎЙХАТИ».**

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4576-сон қарорининг 8-бандидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги «Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4610-сон қарорининг 7-банди биринчи хатбошисидан «ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги «Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) иштирокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4669-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентлик» сўзи «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4670-сон қарорида:

а) 12-банддан «, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 22-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг буюртмасига асосан доривор ўсимликлар соҳасида халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида доривор ўсимликлар етиштирувчилар, қайта ишловчилар ва мутахассисларни хорижий мамлакатларга юборсин».

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4691-сон қарорининг 5-банди бешинчи хатбошисидан «ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4709-сон қарорининг 3-бандида:

а) «е» кичик банддан «, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) «з» кичик банддаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4755-сон қарорининг 1-банди «в» кичик банди бешинчи хатбошисидаги, 6-банди биринчи хатбошисидаги ва 1-илованинг номланишидаги «эркин туристик» сўзлари «туристик-рекреацион» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4803-сон қарорининг 4-банди бешинчи хатбошидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 августдаги «Хоразм вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4810-сон қарорида:

а) 10-банднинг биринчи хатбошисидаги «инвестиция компаниясига» сўзлари «Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Инфратузилма жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банднинг биринчи хатбошисидаги «инвестиция компанияси томонидан» сўзлари «Хоразм вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5263-сон қарорига 3-илованинг 84 — 88-позицияларида:

а) «Ижро муддати» устунидаги «2021 йил 15 ноябрь» сўзлари «2022 йил 15 январь» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Масъул ижрочи» устунидаги «Маданият вазирлиги» сўзлари «Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**767 «Термиз» эркин иқтисодий зонаси ҳудудини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида фармацевтика соҳасига қўшимча равишда бошқа саноат йўналишларида тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига лойиҳаларни амалга ошириш ва янги иш ўринлари яратиш, «Термиз» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида:

1. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг «Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси ҳудудини (кейинги ўринларда — «Бойсун-фарм» ЭИЗ) «Термиз» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда — «Термиз» ЭИЗ) ҳудуди таркибига қўшиш ҳамда «Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасини тугатиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

«Бойсун-фарм» ЭИЗ иштирокчилари «Бойсун-фарм» ЭИЗ белгиланган тартибда тугатилган кундан бошлаб «Термиз» ЭИЗ иштирокчиси ҳисобланади. Бунда, улардан «Термиз» ЭИЗ иштирокчилари реестрига киритилганлик учун тўлов ундирилмайди;

ушбу банднинг иккинчи хатбошисига мувофиқ «Термиз» ЭИЗ иштирокчисига айланган тадбиркорлик субъектларига қонунчиликда белгиланган барча имтиёзлар ва кафолатлар тўлиқ қўлланилади;

«Термиз» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси «Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

«Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасининг устав капиталидаги маблағлар Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасига қайтарилади;

«Термиз» ЭИЗнинг ҳудудида, шу жумладан қўшиб берилган ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5600-сон Фармонида мувофиқ электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади;

Сурхондарё вилояти махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашига заруратга кўра «Термиз» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси тузилмасига унинг маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликлари қўшиш ҳуқуқи берилади.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 декабрда эълон қилинган.

3. Сурхондарё вилояти махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Бойсун-фарм» ЭИЗ иштирокчиси мақомини олган тадбиркорлик субъектларини «Термиз» ЭИЗ иштирокчиси мақомига қайта расмийлаштириш ишларини якунласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Бойсун-фарм» ЭИЗ ва «Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонасини тугатиш комиссиясининг таркиби ва ваколатларини, шунингдек, тугатиш тартибини белгиловчи қарор лойиҳасини қабул қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5032-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов ва Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида 2022 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 декабрь,
ПФ–37-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги
ПФ-37-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
3 майдаги «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм»,
«Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм»
эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги
ПФ-5032-сон Фармониغا киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Номланишидан «Бойсун-фарм» сўзлари чиқариб ташлансин.
2. Муқаддимадан, 1, 2, 8, 11, 13, 16 ва 17-бандлардан «Сурхондарё» сўзлари чиқариб ташлансин.
3. 1, 2, 3, 4, 8, 9, 10, 11, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19 ва 20-бандлардан «Бойсун-фарм» ва «Бойсун-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**768 Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли-
нинг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августдаги тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратиш механизмини соддалаштириш, аҳолининг бандлигини ошириш, даромад манбаини кенгайтириш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил давомида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда — дастурлар) доирасида:

а) лойиҳаларни молиялаштириш учун мақсадли жамғармалар ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — жамғармалар) ресурслари тижорат банклариغا йиллик 10 фоиз ставкада жойлаштирилади;

б) имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 декабрда эълон қилинган.

оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига — 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;

чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун — 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;

боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун — 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга;

«Хунарманд» уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, «уста-шогирд» мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун — 3 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатга ажратилади;

в) кредитлар маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) ўзига бириктирилган маҳаллада истиқомат қилаётган (жойлашган) қарз олувчига берадиган тавсияси асосида ажратилади;

г) чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар устувор равишда камида 10 дан 50 бошгача четдан келтирилган насли чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) боқиш учун кичик фермаларни ташкил этишга берилади;

д) «етакчи» тадбиркорлик субъектларига деҳқон хўжаликлари ер майдонлари ва аҳоли томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар ажратилади.

2. «Агробанк» АТБ, АТ «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» АТБ (кейинги ўринларда — ваколатли тижорат банклари) 2022 йил 1 мартдан дастурлар бўйича кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (кейинги ўринларда — Ягона электрон платформа) орқали ажратилишини таъминласин. Бунда:

кредит олиш учун аризалар барча босқичларда онлайн тарзда кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида Ягона электрон платформа (СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) орқали маълумот бериб борилади;

кредит маблағларини ажратиш бўйича ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва масофадан имзоланади;

кредит олиш учун аризалар масофадан қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки тегишли маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан тақдим этилади;

Ягона электрон платформа орқали аҳолига ўзини ўзи банд қилиш учун кредитлар белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра, автоматлаштирилган ҳолда ажратилади;

ажратилган кредитлар ҳисобига товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш Ягона электрон платформада яратилган «маркетплейс» тизими ёрдамида амалга оширилади;

ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш бўйича таклифлар асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар етказиб берувчи (иш бажарувчи) ташкилотлар (кейинги ўринларда — таъминотчилар) томонидан «маркетплейс» тизимида эркин жойлаштирилади;

таъминотчилар томонидан кўрсатилган хизматлар фойдаланувчилар томонидан баҳоланади ва уларнинг рейтинги автоматик равишда шакллантирилади;

таъминотчиларнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариши юзасидан мониторинг туман (шаҳар) оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан амалга оширилади. Мониторинг натижаларига кўра, таъминотчиларнинг «маркетплейс» тизимидаги ўз хизматларини таклиф этиш имконияти даврий равишда ўрганиб чиқилади;

кредитлар қарз олувчига у томонидан мустақил танланган таъминотчи билан тузилган шартнома асосида келишилган нархда маҳсулот етказиб берилганидан (иш бажарилганидан) ва қарз олувчи томонидан қабул қилиб олингандан сўнг ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан ўтказилган мониторинг натижасига кўра, қарз олувчини идентификациялаш орқали таъминотчига ўтказиб берилади;

ҳоким ёрдамчилари ўзига бириктирилган маҳаллаларда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб боради ҳамда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича сектор раҳбарлари ва тижорат банклари билан биргаликда тегишли чораларни кўради.

3. Марказий банк Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда Ягона электрон платформадан фойдаланиш, шу жумладан кредитларни ажратиш, расмийлаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг ўзаро электрон ҳамкорлигини тартибга солишни назарда тутувчи тегишли низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2022 йил 1 февралга қадар Ягона электрон платформа Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Хунарманд», «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзчармсаноат», «Ўзбекбалиқсаноат», «Паррандасаноат», «Ўзбекистон асаларичилари», «Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмалари ва бошқа уюшмалар, тегишли идоралар билан биргаликда «маркетплейс» тизимида таъминотчи корхоналар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда таклиф этилаётган товар ва хизматларнинг муқобил нархда ва сифатли етказиб берилишини таъминлаш мақсадида мазкур тизимга таклифларнинг

ишончли (намунали) таъминотчи корхоналар томонидан киритиб борилишини, асбоб-ускуналар ва кўрсатилаётган хизматлар тури ва қувватлари етарлича бўлишини таъминлаш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки:

дастурлар доирасида кредитлар устувор равишда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга ўзини ўзи даромадли меҳнат билан банд қилиш ёки уларнинг доимий меҳнат билан бандлигини таъминлашга (иш ўринлари яратишга) қаратилган лойиҳаларга ажратилади;

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга кредит ажратилиши уларни ушбу рўйхатдан чиқариш учун асос ҳисобланмайди ва фуқаролар мазкур дафтарлардан ҳоким ёрдамчиси, туман давлат солиқ инспекцияси ва тегишли сектор раҳбарлари томонидан фуқаронинг унга ажратилган кредит ҳисобига амалга оширган фаолиятдан доимий ва барқарор даромад манбаини шакллантирганини ўрганиш орқали бериладиган тавсия асосида чиқарилади;

дастурлар доирасида илгари ажратилган кредит маблағлари бўйича мавжуд қарздорлиги тўлиқ сўндирилмаган, шунингдек, аввал ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланган қарз олувчиларга ушбу дастурлар орқали янги кредит ажратилишига рухсат этилмайди.

6. Савдо-саноат палатасига тижорат банклари билан биргаликда туман ва шаҳарларда самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳалар бизнес-режаларини Ягона электрон платформага жойлаштириб бориш тавсия этилсин.

7. Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда дастурлар доирасида ишсиз фуқаронинг ўзига ажратилган кредит ҳисобига амалга оширган фаолиятдан доимий ва барқарор даромад манбаини шакллантирганини ўрганиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

8. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси дастурлар доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун:

а) икки ой муддатда «Агробанк» АТБга ажратилган 2,9 триллион сўм ва «Микрокредитбанк» АТБга ажратилган 1,3 триллион сўм миқдордаги ресурсларни мазкур банкларнинг устав капиталини оширишга йўналтирсин. Бунда:

«Агробанк» АТБ ва «Микрокредитбанк» АТБнинг устав капиталини оширишга йўналтирилган маблағлар ҳисобидан чиқарилган акциялар тўғридан-тўғри Молия вазирлиги номига расмийлаштирилади;

Молия вазирлигининг мазкур банд доирасида тижорат банкларининг 50 фоиз ва ундан ортиқ акцияларига эгалик қилишга киришиши янгидан харид қилинган акцияларга эга бўлиш деб ҳисобланмайди;

б) ваколатли банкларга дастур координаторларининг тақсимотига мувофиқ 3,65 триллион сўм миқдордаги кредит ресурслари 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга ажратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва тижорат банкларининг дастурлар доирасида Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш учун ажратилган ресурсларни мазкур Жамғармага қайтариш графикларини ушбу йўналишларга ажратилган кредитлар муддатига мос равишда узайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. 2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг манбалар ва ҳудудлар кесимидаги мақсадли параметрлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагиларга:

иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев, Марказий банк раисининг ўринбосари А.А. Камалов, молия вазирининг ўринбосари Д.Ш. Султановга (кейинги ўринларда — Дастур координаторлари) — ҳақиқий эҳтиёждан ҳамда молиялаштириш таклиф этилаётган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, ажратилаётган маблағларни ваколатли тижорат банклари ва вилоятлар кесимида тезкор қайта тақсимлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларига — дастурлар доирасида ҳудудга ажратилган маблағларни ҳар бир маҳаллада амалга оширилаётган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ва маҳалла (овул) кесимида тақсимлаш ваколоти берилсин.

11. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари тижорат банклари билан биргаликда дастурлар бўйича ажратилган кредитларнинг уларни сўндириш графигига мувофиқ белгиланган муддатларда қайтарилишига масъул ҳисобланади;

ҳудудларда ҳар ойлик кредитлаш ҳажмлари кредитларни сўндириш графиги ижросининг бажарилмаган миқдорига мос равишда камайтиради.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

мазкур қарорга асосан ҳар бир ҳудудда чорвачилик учун ажратиладиган кредитларга мутаносиб равишда чорва моллари учун озуқабоп экинлар экишга мўлжалланган ер майдонларининг, шунингдек, уларни ўтлатишга мўлжалланган яйловларнинг мунтазам равишда очиқ электрон танловга чиқариб борилишини таъминласин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда келгуси икки йилда «Андижон тажрибаси» асосида барча маҳаллаларда тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш ва

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

даромад манбаини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

Бунда, фуқаролар билан кооперация асосида фаолиятини ташкил этадиган «етакчи» тадбиркорлик субъектларига дастурлар доирасида кредитлар ажратилади, ушбу тадбиркорлик субъектлари билан кооперация асосида ишлаётган фуқароларга дастурлар доирасида кредит ажратишга йўл қўйилмайди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазинининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 декабрь,
ПҚ–55-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги
ПҚ–55-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3680-сон қарорида:

а) 9-банднинг «б» кичик бандида:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йилгача муддатга, шу жумладан 1 йиллик имтиёзли давр билан, боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш учун 7 йилгача муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан 2019 йилнинг 31 декабрига қадар йиллик 7 фоизлик ставкада, банкнинг 2 фоизлик маржасини ҳисобга олган ҳолда кредитлар ажратиш учун ресурсларни «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ, «Туронбанк» АТБ ҳамда АТ «Халқ банки»га жойлаштириш. 2020 йил 1 январдан бошлаб ресурсларни жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоизлик бандни чегириб ташлаган ҳолда, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса, йиллик 10 фоиз ставкада амалга оширилади;

учинчи хатбоши «4 фоизлик бандни чегириб ташлаган ҳолда» сўзла-

ридан кейин « , 2022 йил 1 январдан бошлаб эса, йиллик 10 фоиз ставкада» сўзлари билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошидан «,савдо» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«2020 йил 1 январдан бошлаб кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса, тижорат банклари томонидан йиллик 14 фоиз ставкада берилади»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кредитлар боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш учун 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга, чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсияларига мувофиқ туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг асослангандирилган ва натижадорлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолдаги қарори асосида берилади»;

б) 9-банднинг «в» кичик банди қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар ҳудудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишилган ҳолда берилади, томорқа ер эгалари — жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача, фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига 225 миллион сўмгача миқдорда ажратиладиган кредитлар бундан мустасно. Ушбу суммадаги кредитлар ҳар бир маҳаллага маҳаллабай ишлаш бўйича бириктирилган ҳоким ёрдамчиси томонидан бериладиган тавсиялар асосида ажратилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сон қарориди:

а) 9-банднинг иккинчи — бешинчи хатбошилари қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«33 миллион сўмгача бўлган миқдорда — тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахсларга ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсиялари;

225 миллион сўмгача бўлган миқдорда — ҳоким ёрдамчисининг тавсиялари асосида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

225 миллион сўмдан ортиқ миқдорда — ҳоким ёрдамчисининг тавсияларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади.

Бунда, 2020 йил 1 январдан бошлаб кредитлар АТ «Халқ банки», «Микрокредитбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси бўйича, 2022 йил 1 январдан — тижорат банклари томонидан йиллик 14 фоиз ставкада берилади»;

б) 10-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари зиммасига туман ва шаҳарларда кичик тадбиркорлик субъектларининг самарадорлиги юқори, барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларига 225 миллион сўмдан ортиқ миқдорда Дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан кредит ажратишга ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси томонидан берилган тавсияга мувофиқ туман (шаҳар) марказларининг қарори асосида қарор қабул қилиш вазифаси юклатилсин»;

в) 11-банддаги «1,5» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3856-сон қарори 6-бандининг «в» кичик бандида:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микрокредитлар 225 миллион сўмгача бўлган миқдорда ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсиялари асосида 3 йилгача муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан»;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2022 йил 1 январдан — тижорат банклари томонидан йиллик 14 фоиз (шундан 4 фоиз банк маржаси) ставкада ажратилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4231-сон қарориди:

а) 4-бандда:

учинчи хатбошидаги «бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда» сўзлари «йиллик 14 фоиз ставкада» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «сектор раҳбарлари ва» сўзлари «ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсияларига мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги «Қ.Х. Тапаров» сўзлари «Д.Ш. Султанов» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4498-сон қарорининг 2-бандида:

иккинчи хатбоши «қайта молиялаштириш ставкаси бўйича» сўзларидан кейин «, 2022 йил 1 январдан бошлаб йиллик 14 фоиз ставкада» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошидаги «Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармаси» сўзлари «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дастурларни молиялаштириш учун ресурслар ажратадиган Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Жамғармалар ресурсларининг 2020 — 2022 йилларда сўндириладиган қисми ҳар ойда ваколатли банкларга Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади, бунда ресурслар бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоиз паст қилиб, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса йиллик 10 фоиз ставкада белгиланади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«АТ Халқ банки», «Микрокредитбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ ушбу манбалар ҳисобидан «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, «уста-шогирд» мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун 36 ойгача муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатга, 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошмаган ҳолда, 2022 йил 1 январдан бошлаб, йиллик 14 фоиз ставкада 225 миллион сўмгача бўлган миқдорда кредитлар ажратсин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4862-сон қарориди:

а) 5-бандда:

учинчи хатбошидаги «микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга» сўзлари «кичик тадбиркорлик субъектларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга ҳоким ёрдамчисининг ўзига бириктирилган маҳаллада истиқомат қилаётган (жойлашган) қарз олувчига берадиган тавсияси асосида, боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш учун 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга, чорвачилик (қорамол, қўй, эчки) учун 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсияларига мувофиқ туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг асослантирилган ва натижадорлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолдаги қарори асосида йиллик 14 фоиз ставкада ажратилади»;

б) 6-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст фоиз ставкасида йўналтирилсин» сўзлари «йиллик 10 фоиз ставкада йўналтирилсин» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5020-сон қарорининг 5-бандида:

«а» кичик банддаги «Марказий банкнинг асосий ставкасида йўналтиради» сўзлари «йиллик 10 фоиз ставкада йўналтиради» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қўйидаги дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизларга мазкур маблағлар ҳисобидан ҳар бир маҳаллага маҳаллабай ишлаш бўйича бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йилгача муддат ва 6 ойгача имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада 33 миллион сўмгача бўлган миқдорда кредитлар ажратилади:»;

«в» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) ажратиладиган кредитлар, истисно тариқасида, 2022 йил 1 январга қадар Марказий банкнинг асосий ставкаси доирасида, 2022 йил 1 январдан тижорат банки томонидан йиллик 14 фоиз ставкада берилади»;

қўйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) кредитлар боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш учун 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга, чорвачилик (қорамол, қўй, эчки) учун 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсияларига мувофиқ туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг асослантилган ва натижадорлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолдаги қарори асосида берилади».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5041-сон қарорининг 6-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорга мувофиқ:

тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари, истисно тариқасида, 2022 йил 1 январга қадар Марказий банкнинг асосий ставкаси доирасида, 2022 йил 1 январдан бошлаб йиллик 14 фоиз ставкада белгиланади;

тижорат банкларига кредит ресурслари Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст даражада, 2022 йил 1 январдан бошлаб йиллик 10 фоиз ставкада ажратилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**769** **Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг равишда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш орқали ҳаёт сифати ва даражасини ошириш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдоридан субсидия берилади.

Бунда, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган ташкилотга субсидия беришда Ягона миллий меҳнат тизимида рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномаси асос ҳисобланади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков) билан биргаликда бир ой муддатда Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия бериш тартиби тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

а) Солиқ кодексининг 380-моддаси биринчи қисмига мувофиқ болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 бараваридан 3 бараваригача оширилади;

б) 2024 йил 1 мартга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 декабрда эълон қилинган.

Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) бир ой муддатда Солиқ кодексига ушбу бандга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёзларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда — Идоралараро кенгаш) таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ҳамда Тадбиркор ногирон-аёллар миллий ассоциацияси раҳбарлари киритилсин.

Идоралараро кенгашнинг зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим муассасаларида инклюзив таълимини ривожлантириш, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш учун муқобил шаклдаги ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

таълим муассасаларини битирувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг тавсия этилган касблар бўйича белгиланган тартибда корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташини ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг корхона ва ташкилотлардаги иш жойларини жиҳозлаш, мослаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарурий меҳнат шароитларини ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни улар ишга жойлашгандан сўнг ҳамда тадбиркорлик, ҳунармандчилик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлагандан кейин қўллаб-қувватлаш механизмларини татбиқ этиш.

Идоралараро кенгашга раҳбарлик қилиш Савдо-саноат палатасининг раиси А. Икрамов зиммасига юклансин.

4. Давлат буюртмачиларига электрон кооперация биржаси порталида рўйхатдан ўтган, ишловчи ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар (кейинги ўринларда — ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар) билан улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

Белгилансинки:

ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг товарларини (ишлари, хизматларини) харид қилиш учун квоталар тақдим этиш тартиби бекор қилинади; мазкур бандга асосан тузилган, қиймати базавий ҳисоблаш миқдори-

нинг 6 000 бараваригача бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) харидига оид шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасида экспертизадан ўтказилмайди.

5. Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 500 нафаргача ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйидаги йўналишлар учун субсидия ажратиш бориш тизимини жорий этсин:

нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, шунингдек, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, шунингдек, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун.

Белгилансинки, субсидиялар ҳар бир ногиронлиги бўлган ёшнинг талабига мувофиқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган миқдорда мазкур бандда кўрсатилган йўналишлардан биттаси учун ажратилади.

6. «Эл-юрт умиди» жамғармаси (А. Бекмуродов) Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) билан биргаликда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб ҳар йили танлов асосида танлаб олинган 20 нафаргача ногиронлиги бўлган иқтидорли ёшларнинг етакчи хорижий олий таълим муассасаларида, шу жумладан онлайн курсларда таълим олишини ташкил этсин.

7. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат органлари, шу жумладан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда — давлат идоралари) ўз меҳнат фаолиятини олиб боришининг қўйидаги механизмлари жорий қилинсин:

а) Давлат хизматлари агентлиги (У. Мухаммадиев):

2022 йил 1 мартга қадар ҳар бир ҳудудда биттадан давлат хизматлари марказида ногиронлиги бўлган шахсларнинг уларга мос келувчи лавозимларда (оператор, консультант, инспектор ва бошқалар) ишлаши учун қулай шароитларни яратган ҳолда меҳнат фаолиятини олиб боришини (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳаси) таъминласин;

2022 йил 1 сентябрга қадар тажриба-синов лойиҳаси натижаларига кўра мазкур амалиёт барча давлат хизматлари марказларида жорий қилинсин;

б) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) ҳамда Давлат хизматлари агентлиги (У. Мухаммадиев) билан биргаликда тажриба-синов лойиҳасини таҳлил қилсин ва унинг натижалари асосида 2022 йил 1 апрелга қадар давлат идораларида (шу жумладан бошқа хўжалик юртувчи субъектларда) ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаолият олиб бориши учун иш ўринлари ва касбларни мослаштириш бўйича тавсиялар, шунинг-

дек, улар фаолият кўрсатиши мумкин бўлган касб ва лавозимлар рўйхатини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов) ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, уларнинг бизнес юритишига кўмаклашишда маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш бўйича барча зарурий чораларни кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5217-сон қароридан 2022 йил 1 майдан бошлаб «Ижтимоий хизмат» электрон платформаси (кейинги ўринларда – Платформа) ишга туширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков):

Платформа ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон маълумотлари, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор муурожаат қилиш каби масалаларни ўз ичига олишини таъминласин;

Платформани такомиллаштириш бўйича буюртмачи функциясини амалга оширсин ва унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминласин.

9. Ногиронлиги бўлган шахсларни самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ижтимоий хизмат» электрон платформасида:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) тиббий, психологик маслаҳат олиш бўйича онлайн муурожаатларни қабул қилиш, мунтазам равишда тезкор маслаҳатлар бериб бориш ҳамда бошқа тиббий хизматлар кўрсатиш чораларини кўрсин;

б) Туризм ва спорт вазирлиги (У. Азамов) ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши ҳамда уларга имтиёзли хизматлар кўрсатиш чораларини кўрсин;

в) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г. Маъруфова) «Аёллар дафтари»га киритилган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга кўрсатилаётган ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам турлари ҳамда эҳтиёжманд аҳолига субсидиялар ва бошқа лойиҳалар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш чораларини кўрсин;

г) Давлат хизматлари агентлиги (У. Муҳаммадиев) Давлат хизматлари марказлари, жумладан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш (санаторийларда, пансионатларда ва бошқа муассасаларда даволаниш учун йўланмалар олиш) чораларини кўрсин;

д) Маданият вазирлиги (О. Мирзаев) ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, ногиронлиги бўлган ёшларнинг мусиқа ва санъат мактабларида, кутубхоналарда, ижодий устахоналар ва халқ усталари мактабларида «устоз-шогирд» тамойили асосида ўқиши, ташкиллаштирилаётган маданий тадбирларда иштирок этишига кўмаклашиш бўйича хизмат кўрсатиш чораларини кўрсин;

е) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов):

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига кирувчи бўш (вакант) иш ўринлари миллий базасини интеграция қилиш чораларини кўрсин;

ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўргатадиган онлайн тўғаракларни ташкил этсин ҳамда ўқув қўлланмалари ва видеоматериалларни, «Ишга марҳамат» мономарказлари ва ўқув марказлари манзиллари, улардаги ўқув курслари ва муддатлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштирсин;

ж) Савдо-саноат палатаси (А. Икромов), «Хунарманд» уюшмаси (У. Абдуллаев) хунармандчилик фаолиятини бошлаш учун асбоб-ускуна ҳамда меҳнат қуролларини харид қилишга субсидия ажратиш, уюшмага аъзолик бадалини қоплаш учун субсидия бериш, «устоз-шогирд» тамойили асосида ногиронлиги бўлган шахсларга тавсия этилган касб-хунарларга ўргатиш чораларини кўрсин;

з) Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев):

ногиронлиги бўлган ёшларга ўзини ўзи банд қилиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, касб-хунарга ўқиш учун жорий этилган субсидиялардан фойдаланишда кўмаклашиш;

ногиронлиги бўлган ёшларнинг хорижий тилларни ўрганиш ва нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплаш, уларнинг асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилишига ёрдамлашиш чораларини кўрсин;

и) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (К. Каримов) олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқиётган ҳамда ўқиш истагидаги ногиронлиги бўлган ёшлар учун таълим муассасалари томонидан берилган имтиёзлар ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириб бориш чораларини кўрсин;

к) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О. Пекось) ногиронлиги бўлган, шу жумладан кўзи ожиз ва кўришда нуқсонли бўлган шахсларнинг Платформадан қулай ва бепул фойдаланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) 2022 йил 1 февралдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун туман (шаҳар)лар ҳокимларининг қарори билан белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ва иш берувчилар томонидан иш ўринлари захирага қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига кирувчи бўш (вакант) иш ўринлари миллий базасида реал вақт режимида акс этиб боришини таъминласин.

Бунда, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишлаши тавсия қилинган касблар тўғрисидаги маълумотлар «Бандлик хизмати» ахборот тизимига электрон тарзда юборилади.

11. 2022 йил 1 февралдан бошлаб:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) тасарруфида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан

биргаликда барча ҳудудлардаги касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўргатиш бўйича ҳар чоракда қисқа муддатли курсларни ташкил этсин.

Бунда, қисқа муддатли курсларнинг ўқув дастурлари меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни инobatга олган ҳолда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ҳамда Ўзбекистон карлар жамияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади;

б) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) «Ишга марҳамат» мономарказларида ногиронлиги бўлган шахслар учун тавсия этилган ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар, хорижий тил, компьютер саводхонлиги ва компьютерда дастурлаш асослари бўйича доимий равишда ўқув курсларини ташкил этсин.

Бунда, ўқув курс (гуруҳ)ларини ташкил этишда ногиронлиги бўлган шахслар учун бино-иншоотларни мослаштириш, тегишли шарт-шароитларни яратиш, жиҳозлаш, ўқув қуроллари ва ўқув-методик материаллар билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда хорижий грант ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилади.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов):

а) 2022 йил 1 июлдан бошлаб Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида қуйидаги тадбирларни молиялаштириш шартларини назарда тутувчи ижтимоий буюртма маблағларини ажратиш тизимини жорий этсин:

ногиронлиги бўлган шахслар учун тавсия этилган касблар ва уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб ушбу шахсларни касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича давлат ёки нодавлат таълим ташкилотларига йўналтириш;

ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ҳамда улар учун иш ўринларини мослаштирган иш берувчилар томонидан мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш даражасини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларни тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятига жалб қилиш ҳамда улар учун ижтимоий таъминотга оид ахборот ва маслаҳат бериш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш;

б) 2022 йилдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўқитиш бўйича амалдаги тартиблар асосида ажратиладиган грант миқдорини камида 2 бараварга оширсин;

в) 2022 йил 1 мартга қадар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий буюртма бериш, шунингдек, танлов шартлари ва уни ўтказиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) 2022 йил 1 майга қадар давлат идораларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг белгиланган квоталарга мувофиқ ишга қабул қилиниши ҳолатини ўрганиб чиқиб, ўрганиш натижалари бўйича амалий чора-тадбирлар дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ногиронлиги бўлган шахслар орасида уларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган энг яхши ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантириб бориш мақсадида 2022 йилдан бошлаб қуйидаги номинациялар бўйича республика танловлари ташкил этилсин ва ўтказиб борилсин:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан — «Энг яхши ижтимоий лойиҳа»;

Савдо-саноат палатаси томонидан — «Энг яхши тадбиркор»;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан — «Энг яхши талаба»;

Туризм ва спорт вазирлиги томонидан — «Энг яхши спортчи»;

Маданият вазирлиги томонидан — «Энг яхши китобхон»;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан — «Энг яхши иш берувчи».

Бунда, танлов натижалари ҳар йили «3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни» арафасида эълон қилинади ҳамда танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдоридан бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

14. Кўзи ожиз ва кўришда нуқсони бўлган шахсларнинг таълим олишини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун китоблар, журналлар ва бошқа босма материаллар (матн, нота ёзуви, иллюстрацион материаллар, Брайл ёзувидаги китоблар ва аудиокиитоблар) базасини кенгайтириш борасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилсин:

Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) 2022 йил якунига қадар барча болалар мусиқа ва санъат мактабларига кўзи ожиз ва кўришда нуқсони бўлган шахслар учун мўлжалланган матн ва нота ёзувларининг муқобил шакллари бепул тарзда етказиб берилишини таъминласин;

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) 2022 йил якунига қадар:

а) ўқув материалларининг аудиокиитобларини ва аудио тасмадаги ёзувларни ёзиб олиш, Брайл ёзувидаги китобларни тайёрлаш ҳамда таълим муассасаларига етказиб бериш тадбирларини амалга оширсин;

б) алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларнинг ота-оналари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларга етказиб берилишини таъминласин.

Бунда, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар 2022 йилда тармоқ вазирликларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

15. Савдо-саноат палатаси Туризм ва спорт вазирлиги, «Хунарманд» уюшмаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ногиронлиги

бўлган шахслар томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазма савдоларини мунтазам равишда ташкил қилиш амалиётини жорий этсин.

Белгилансинки, кўргазма савдолари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган хунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонларида доимий фаолият кўрсатиши таъминланади.

Савдо-саноат палатаси раҳбари А. Икрамов мазкур кўргазма савдоларини самарали ва тўлақонли амалиётга татбиқ этиш бўйича шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

16. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар фаолиятини тубдан модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича ўрганиш ва баҳолаш ишларини ташкил қилсин ҳамда ўрганиш жараёнида қуйидаги йўналишларга эътибор қаратсин:

ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий, техник ва технологик ҳолатини таҳлил қилиш, уларни модернизациялаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг аниқ манбаларини белгилаш;

ижтимоий корхона, ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий маҳсулот, ижтимоий квота, ижтимоий масъулият тушунчалари ҳамда уларни амалиётга жорий этиш юзасидан илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш;

ижтимоий корхоналар кластерларининг фаолиятини, биринчи навбатда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган ижтимоий маҳсулотлар (товарлар, хизматлар), замонавий тиббий реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтириш;

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот» товар белгиси остида ишлаб чиқаришни, кооперация ва касаначиликни кенгайтириш, маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) турлари ва истикболли бозорларга экспортини кўпайтиришнинг аниқ чораларини белгилаш;

ижтимоий корхоналар кластерларининг ҳудудларда ҳамда хорижий давлатларда савдо уйлари ва фирма дўконларини ташкил этиш;

ижтимоий корхоналар кластерларида ишлаб чиқарилган товарларни биржа савдоларида сотиш, давлат эҳтиёжи учун харид қилиш ва захирага олишнинг механизмларини такомиллаштириш;

кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқа шаклда ногиронлиги бўлган шахсларга, шу жумладан болалар соғлигини реабилитация қилишга ихтисослашган марказлар, таълим, тиббиёт, маданият ва маърифат масканлари каби ижтимоий инфратузилмаларнинг фаолиятини ва моддий-техника базасини, таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясининг амалдаги тизimini танқидий таҳлил қилиш;

замонавий менежмент ва маркетингга асосланган бошқарув ва ишчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

тизимини шакллантириш масалалари бўйича бевосита жойларга чиқиб ўрганган ҳолда чуқур таҳлилларга асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С. Холхўжаев), Молия вазирлиги (Ж. Аброев), ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари билан биргаликда ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки ва ЮНИСЕФнинг техник кўмагини жалб қилган ҳолда, 2022 йил 1 апрелга қадар ўрганиш натижалари бўйича ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар фаолиятини комплекс (шу жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида) ривожлантиришни назарда tutувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

17. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифалари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашни тарғиб қилувчи видеороликлар ва ижтимоий рекламалар ишлаб чиққан ҳолда, оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.М. Мухитдинов ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков белгилансин.

19. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 июлга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 декабрь,
ПҚ-57-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**770 Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни тадқиқ қилиш, стратегик режалаштириш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни стратегик режалаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ўрганиш асосида молиялаштиришнинг узвий тизимини яратиш, соҳага жалб этилган халқаро молия институтлари маблағларининг ишлатилиши самарадорлигини илмий асосланган ҳолда баҳолаш ва илм-фан натижаларини амалиётга жорий этишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасини институционал таҳлил қилиш ва ислохотларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш;

соҳадаги ислохотларнинг таъсирчанлигини ва илмий тадқиқотларнинг амалий натижалари самарадорлигини баҳолаш;

соҳани ривожлантириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли режалар ҳамда стратегиялар ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги таъминоти соҳасидаги, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни (кредит ва грант), шу жумладан инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шакллантиришга кўмаклашиш;

соҳадаги ахборот ва статистик маълумотларни тизимлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг самарали тизимини яратиш;

озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда — ХМИ ва ХХМТ) кредит ва грантларини жалб қилиш;

лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кредитлар ва грантлар олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тижорат банкларига тақдим этишда тадбиркорлик субъектларига консалтинг хизматлари ва амалий ёрдам кўрсатиш;

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 декабрда эълон қилинган.

соҳадаги барча грант, техник кўмак ва кредит лойиҳаларини ва дастурларни бошқариш, мувофиқлаштириш ва самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси билан уйғунлигини таъминлаш.

3. Марказ Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда хорижий экспертлар иштирокида халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан:

2022-2023 йилларда ҳудудларнинг тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳар бир туманда хусусий секторни жалб қилган ҳолда боғ ва токзорларни барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш бўйича кўргазмали дала майдонларини ташкил қилиш чораларини кўрсин. Бунда, ҳар йили барпо этиладиган кўргазмали дала майдонлари рўйхати Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан тасдиқланади;

ҳар ойда битта ҳудудда хорижий ва маҳаллий малакали мутахассислар иштирокида боғ, токзорлар барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинлар, доривор ўсимликларни етиштириш, уларни қайта ишлаш, экспорт қилиш бўйича семинар-тренинглар ўтказиб борсин.

4. Белгилансинки, Марказ:

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг устувор йўналишлари сифатида глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммолар, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг агробизнес, логистика, инвестиция ва бошқа долзарб мавзуларини тақдим этади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга ошириладиган ХМИ ва ХХМТ кредит ҳамда грант лойиҳаларини амалга оширишга масъул ҳисобланади;

хорижий инвестициялар, грантлар, ХМИ ва ХХМТ маблағлари ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган ваколатли давлат муассасаси ҳисобланади;

илмий-тадқиқот натижаларини баҳолаш, давлат илмий дастурлари доирасида лойиҳаларни амалга оширишда белгиланган тартибда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорлик қилади;

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вори ҳисобланади.

5. Марказга:

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш ҳамда халқаро ташкилотлар ва хорижий юридик шахслар билан шартномалар тузиш;

озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаси иқтисодиёти ҳамда стратегияси йўналишида олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш ҳамда ушбу соҳада илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва қонунчилик ҳужжатлари-

да илмий ташкилотлар учун жорий этилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳукуқи берилсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) икки ой муддатда Марказ ҳузурида ривожланган хорижий илмий муассасалар билан ҳамкорликда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасини институционал таҳлил қилиш ва ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, соҳадаги глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг ҳамда агрокластерлар фаолиятининг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш мақсадида илмий кенгаш ташкил этсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг тузилмаси ҳамда унинг ҳудудий иқтисодий таҳлил ва меъёрлаш марказларининг намунавий тузилмаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилансинки:

Марказ зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажаришга, лойиҳани амалга ошириш масалаларига тааллуқли ўзи тайёрлаган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларнинг ишончилиги учун ҳамда ХМИ ва ХХМТнинг кредит маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга жавобгар ҳисобланади;

Марказ тендер савдоларида рақобатни кучайтириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва пудратчиларни, халқаро компанияларни, жамоатчиликни кенг жалб этиш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширади ва харидлар тўғрисидаги ахборотдан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ, ўз вақтида, эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда уни ахборот порталига жойлаштиради (бундан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно);

Марказ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини, асосий капиталга киритилган маблағларни ва техник-иқтисодий асосларда назарда тутилган натижаларга эришилганлигини баҳоловчи тизимни жорий этиш, шу жумладан лойиҳа натижаларини (мижозбай) баҳолаш ҳисоботларини умумлаштиради, таҳлил қилади ва ҳар ой Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради;

Марказ давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга оширилаётган ва яқунланган лойиҳалар бўйича ўзлаштирилган маблағлар ҳамда эришилган натижаларга оид маълумотларни мунтазам равишда ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилишни таъминлайди;

Марказ фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ХМИ ва ХХМТ томонидан инвестиция ва грант лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар, хомийлик хайриялари, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Марказнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи илмий ва раҳбар ходимларининг иш ҳақи тегишлича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига давлат илмий дастурларини амалга оши-

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ришда қатнашувчи илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари микдорларига тенглаштирилади;

Марказнинг фақат илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган тузилмалари ходимларига иш ҳақи тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Марказнинг бюджетдан молиялаштириладиган штат бирликлари 2022 йилда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, кейинги йиллардан эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

Марказ томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида йиллик харажатлар ХМИ ва ХХМТлар томонидан лойиҳанинг техник иқтисодий асосида тасдиқланган ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган смета бўйича амалга оширилади ҳамда ўрнатилган тартибда уларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин;

қишлоқ хўжалиги вазирининг иқтисод, инновацион ривожланиш ва инвестициялар масалалари бўйича маслаҳатчиси бир вақтнинг ўзида Марказ директори ҳисобланади;

Марказ директорига Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда ХМИ ва ХХМТ билан келишилган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида Марказ ходимларининг ойлик иш ҳақларини ошириш ҳуқуқи берилади (бундан ойлик иш ҳақини хизматлар кўрсатиш ва қўшимча грант маблағларини жалб этиш ҳисобига ошириш мустасно);

Марказ бюджетдан ташқари маблағларни бошқариш учун тижорат банкларида депозит ҳисоб рақами очиши ва ундаги маблағлардан мустақил фойдаланиши мумкин (бюджет ташкилотларининг ғазна ҳисоб рақамларидан фойдаланишга доир талаблар ушбу маблағлардан фойдаланишга нисбатан татбиқ этилмайди).

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ой муддатда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти негизида Марказ ташкил этилганлиги ҳақида ХМИ ва ХХМТга хабарномалар юборсин.

10. Марказ Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1 а-уй (1-қават ва ертўла) манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Бунда барча коммунал ва жорий тўловлар билан боғлиқ харажатлар Марказ маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

11. Қарор ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

Бош вазир ўринбосари Ш. Ғаниев бир ҳафта муддатда ташкилий йиғилиш ўтказиб, Марказ фаолиятини ташкил этиш бўйича вазифаларни ҳудудлар ва ижрочилар кесимида тақсимлайди;

қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев бир ой муддатда Марказнинг юқори малакали, замонавий билимларга эга кадрлар билан тўлдирилишини ҳамда фаолияти йўлга қўйилишини таъминлайди.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Марказ фаолиятини хорижий давлатлар тажрибаси асосида самарали ташкил этиш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси»ни тасдиқласин;

бир ой муддатда Марказнинг уставини тасдиқласин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига оммавий ахборот воситалари орқали мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 декабрь,
ПҚ-58-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**771 Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш мақсадида:

1. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларига қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

а) академик мустақиллик соҳасида:

ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ўқиш давомийлиги муддатларини белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда қабул қилиш;

докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

магистратура босқичида таълимнинг сиртки, масофавий ва кечки шакллари жорий этиш, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қўш малакалар, шу жумладан амалий малакалар бериш тизимини жорий қилиш;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга ошириш;

олий таълим муассасаси ва унинг тузилмасидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш;

б) ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида:

фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган, давлат бюд-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 декабрда эълон қилинган.

жети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлардан қатъи назар муассасанинг тузилмасини тасдиқлаш ва штат бирликлари сонини белгилаш;

меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш, амалдаги таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларни тугатиш;

педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни белгилаш;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ваколатлар олий таълим муассасалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ мустақил равишда амалга оширилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик (идора)ларнинг қўйидаги ваколатларини таълим муассасаларига ўтказиш:

чет эл фуқароларининг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан республика давлат олий таълим муассасаларига кўчириш;

олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси ва масъул котибини, шунингдек, олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган имтиҳонлар бўйича қабул комиссияси раиси ва аъзолари, имтиҳонлар жадвали, имтиҳон олинадиган фанлар дастурлари ва баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг амалиётни ўташ тартибини тасдиқлаш ва уни ташкил этиш;

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ички тартиб қоидалари, жумладан таълим олувчиларнинг кийим-бошига доир талабларни белгилаш.

б) Вазирлар Маҳкамасининг олий, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасидаги қўйидаги ваколатларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (кейинги ўринларда — Вазирлик) ўтказиш:

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқитиладиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини тасдиқлаш;

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқиш давомийлигининг энг кам муддатларини белгилаш;

кечки, сиртқи ва масофавий таълим шакли жорий этилмайдиган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини белгилаш;

дарсликлар, ўқув ва илмий адабиётларни тайёрлаш, нашр этиш тартибини, шунингдек, уларни етказиб беришга ва улардан таълим ташкилотларида фойдаланишга қўйиладиган талабларни белгилаш;

таълим муассасаларига нисбатан моддий-техник, инфратузилмавий ва параметрик талабларни белгилаш;

в) илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи мазкур кенгашни тузган таълим муассасаси (илмий ташкилот)да фаолият юритувчи олимлардан иборат бўлиши ҳақидаги талабни бекор қилиш.

3. 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида васийлик кенгашлари тугатилсин ҳамда таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз олий таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Кузатув кенгашининг таркиби тизимида олий таълим муассасаси мавжуд тегишли вазирлик (идора) томонидан тасдиқланади;

молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаси ректори Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Кузатув кенгаши ўз ваколатларини олий таълим муассасаси кенгашига топширишга, шунингдек, олий таълим муассасаси кенгашига кирувчи ваколатларни ўз зиммасига олишга ҳақли.

4. Белгилансинки, Вазирлик давлат ва давлат улуши мавжуд олий таълим муассасаси ректори (директори) лавозимига номзодлар захирасини шакллантиради, шунингдек, номзодлар ва ректор (директор)ларнинг бошқарув қобилятини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, тақдим этилаётган академик, молиявий ва ташкилий-бошқарув мустақилликдан самарали фойдаланиш мавзуларида ташкил этиладиган мақсадли малака ошириш курсларида ўқишини ташкил этади.

5. Вазирлик тизимида олий таълим муассасаси мавжуд вазирлик (идора)лар билан биргаликда:

икки ой муддатда давлат олий таълим муассасаларининг халқаро илмий-техникавий маълумотлар базаларига доимий аъзолигини таъминласин ҳамда улардан талаба, тадқиқотчи ва ўқитувчиларнинг бепул фойдаланишини йўлга қўйсин;

2022 йил якунига қадар барча давлат олий таълим муассасалари кутубхона фондидаги ўқув адабиётларининг тўлиқ электрон шаклга ўтказилишини таъминласин ҳамда Вазирлик ҳузурида ягона «Электрон кутубхона» платформасини ишга туширсин.

Белгилансинки, «Электрон кутубхона» платформасини ишлаб чиқиш ва юритиш Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Вазирлик томонидан олий таълим муассасаларида ҳисоботларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш ҳамда таълим муассасаси фаолиятини автоматлаштириш бўйича Жаҳон банки билан ҳамкорликда Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) ишлаб чиқиладиганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда

тизимида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик (идора)лар билан биргаликда:

а) биринчи босқичда — 2022 йил 1 мартга қадар:

Ахборот тизимининг «Ўқув жараёнини бошқариш» қисмини жорий қилсин. Бунда олий таълим муассасасининг академик фаолияти, хусусан, талабанинг даволат ҳисоботи, ўзлаштириш қайдномаси ва рейтинг дафтар-часи, шунингдек, гуруҳ журнали, дарс ва имтиҳон жадваллари рақамлаштирилади;

Ахборот тизимининг «Илмий жараёни бошқариш» қисмини жорий қилсин. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг илмий лойиҳалари, мақолалари, илмий-услубий нашрлари, илмий изланувчилар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади ҳамда профессор-ўқитувчилар ва кафедраларнинг илмий салоҳиятини баҳолаш масалалари автоматлаштирилади;

Ахборот тизимининг «Маъмурий жараёни бошқариш» қисмини жорий қилсин. Бунда олий таълим муассасасининг тузилмаси, бошқарув кадрлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабалар тўғрисидаги маълумотларни юритиш ҳамда тегишли ҳисоботларни тайёрлаш рақамлаштирилади;

Ахборот тизимининг «Молия-хўжалик фаолиятини бошқариш» қисмини жорий қилсин. Бунда тўлов-шартномалар электрон кўринишда тақдим этилади, стипендия тўловлари тўғрисидаги маълумотлар тизим орқали амалга оширилади;

б) иккинчи босқичда — 2022 йил 1 майга қадар Ахборот тизимининг «Таълим сифатини назорат қилиш» қисмини жорий қилсин. Бунда таълим сифати бўйича олий таълим муассасалари кўрсаткичларининг маълумотлар базаси шакллантирилади ва олий таълим муассасалари миллий рейтингини юритиш автоматлаштирилади ҳамда таълим сифати мониторингини масофавий шаклда олиб бориш имконияти яратилади.

Белгилансинки:

Ахборот тизими 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқишга қабул қилинган талабаларни тўлиқ қамраб олган ҳолда босқичма-босқич жорий этилади;

таълим жараёнларини бошқаришнинг бошқа дастурий таъминотига эга олий таълим ташкилотлари учун Вазирлик ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан белгиланган талаблар бўйича ўз тизимининг Ахборот тизимига интеграция қилиши мажбурий ҳисобланади;

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Ахборот тизимидан текин фойдаланади ҳамда унга таълим сифатини мониторинг қилиш, жумладан талаба, докторант ва профессор-ўқитувчилар ўртасида ижтимоий сўров ўтказиш имконияти яратилади;

Ахборот тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар олий таълим муассасаларининг маблағлари, техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш харажатлари Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

давлат олий таълим муассасаларига Ахборот тизимини жорий этиш ва

унга хизмат кўрсатиш бўйича Вазирлик тизимидаги ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилади.

7. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси уч ой муддатда, жумладан қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим сифатини таъминлаш ва назорат қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин:

таълим ташкилотларини аккредитациялашнинг институционал ва махсус (таълим йўналишлари, ихтисослик турлари ва бошқалар бўйича) шакллари жорий этиш;

таълим сифатини таъминлаш ва назорат қилиш жараёнига нодавлат ташкилотларни жалб этиш ҳамда нуфузли халқаро аккредитациядан ўтган таълим ташкилотини навбатдаги давлат аккредитациясидан озод қилиш;

таълим сифатини назорат қилишда «таҳлика-таҳлил» тизимини жорий этиш ҳамда ўрганишлар қамрови, давомийлиги ва даврийлигини таълим сифатининг ўзгариши даражасига қараб белгилаш;

олий таълим муассасаларига берилаётган академик мустақилликни инобатга олган ҳолда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ваколатларини қайта кўриб чиқиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирлик уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда тизимида олий таълим муассасаси мавжуд вазирлик ва идоралар раҳбарлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 июль ва 2023 йил 1 январга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 декабрь,
ПҚ-60-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги
ПҚ–60-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–91-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошиси ҳамда қарорга 3-илова.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2215-сон қарорининг 4-банди ҳамда қарорга 1-илова.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 сентябрдаги «Тошкент давлат шарқшунослик институти таркибида хитойшунослик факультетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2228-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 1-илова.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 майдаги «Тошкент давлат техника университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2524-сон қарорининг 3-банди ҳамда қарорга 1-илова.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Миллий университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2527-сон қарорининг 3-банди ҳамда қарорга 1-илова.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3152-сон қарори 3-бандининг иккинчи ва тўртинчи хатбошилари ҳамда қарорга 1-илова.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таркибида «Таэквондо ва спорт фаолияти» факультетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3390-сон қарорининг 6-банди ҳамда қарорга илова.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4358-сон қарори 10-банди биринчи хатбошисининг биринчи жумласи ҳамда қарорга 11-илова.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 августдаги «Олий таълим муассасалари ректорларини давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисида»ги 325-сон қарори.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида»ги 144-сон қарорининг 3-банди ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги «Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 153-сон қарори 2-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошилари ҳамда қарорга 1-илова.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 331-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси, 4-банди ҳамда қарорга 1-илова.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 569-сон қарори 2-бандининг иккинчи, олтинчи хатбошилари ҳамда қарорга 1-илова.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети таркибида хорижий олий таълим муассасаларининг қўшма факультетларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 574-сон қарорининг 7-банди ҳамда қарорга илова.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 майдаги «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 288-сон қарорининг 13-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**772 Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида***

Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб этиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида:

1. Молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасалари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига 2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилсин:

таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш;

талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш;

таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш;

профессор-ўқитувчилар штат бирликларини киритиш меъёрларини ишлаб чиқиш;

ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш;

хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилиш;

бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш;

автотранспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити ва уларга хизмат кўрсатиш талабларини белгилаши.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасалари қуйидагиларни назарда тутувчи молиялаштириш тартибига ўтказилади:

барча таълим йўналишлари ва босқичлари бўйича бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдори ҳисоблаб чиқилади;

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 декабрда эълон қилинган.

давлат буюртмаси (давлат гранти) асосида кадрлар тайёрлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида бир талабага тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан келиб чиқиб белгиланади;

давлат гранти асосида таълим олаётган талабалар учун бюджет маблағлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора ҳамда олий таълим муассасаси ўртасида имзоланадиган битим асосида ажратилади (бундан мақсадли маблағлар, шу жумладан стипендия тўловлари, етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимояси учун қонунчиликда белгиланган маблағлар, олий таълимдан кейинги таълим харажатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари асосида ажратиладиган бошқа маблағлар мустасно);

давлат гранти асосида таълим олаётган талабалар учун ажратилган бюджет маблағлари (бундан мақсадли маблағлар мустасно) олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади ва ҳисобот даври охирида маблағларнинг қолдиғи олий таълим муассасаси ихтиёрида қолдирилади;

давлат буюртмаси сифатида ажратилган маблағлар ҳамда тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси тегишлилиги бўйича юқори турувчи вазирлик ва идорада рўйхатдан ўтказилади ҳамда улардан фойдаланиш Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси учун белгиланган тартибга ўхшаш тартибда амалга оширилади. Бунда, молия йили давомида даромадлар ва харажатлар сметасига киритиладиган ўзгартиришлар Молия вазирлиги билан келишилмайди;

тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан келиб чиқиб, бироқ олий таълим муассасасини ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш, истиқболда ривожлантириш ҳамда таълим хизматлари бозоридаги ўзаро рақобат асосида белгиланади.

4. Белгилансинки, молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларида:

асосий воситаларни ижарага беришдан тушган маблағнинг 1 фоизи — Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми — электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин мазкур олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни (бундан ер, бино, иншоотлар, жумладан оператив бошқарувга берилган бино ва иншоотлар ҳамда ўқув-илмий лаборатория жиҳозлари мустасно) сотишдан тушган маблағлар тўлиғича ўз ихтиёрида қолдирилади;

молиявий назорат тадбирларини холисона ва мустақил ўтказадиган ички аудит ва молиявий назорат хизмати ташкил этилади;

маблағларнинг сарфланиши юзасидан юқори турувчи вазирликка (идорага) ҳар чорақда белгиланган тартибда ҳисобот берилади;

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, харид қилинган товарлар ва хизматлар, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда тасарруфидаги маблағлар, моддий бойликлар ва мулкдан фойдаланиш тўғрисидаги бошқа маълумотлар ўз расмий веб-сайтларига мунтазам жойлаштириб борилади;

маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва стипендия тўловларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга ошириш учун жавобгарлик тегишли олий таълим муассасаси раҳбари зиммасига юкланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4391-сон қарорига асосан ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларига берилган ваколат ва ҳуқуқлар ушбу қарорга мувофиқ молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига татбиқ этилсин. Бунда:

молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасалари юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет маблағларини олувчи давлат ташкилоти ҳисобланади;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати олий таълим муассасаси томонидан таълим хизматлари бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бироқ тегишли йўналиш бўйича давлат олий таълим муассасаларида белгиланган базавий тўлов-контракт қийматидан уч баравардан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура ва клиник ординатура мутахассисликлари кесимида қабул шартларида тўлов-контракт қиймати табақалаштирилган миқдорларда белгиланиши мумкин.

6. Молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларида қуйидагилар кузатув кенгашларининг асосий ваколатлари этиб белгилансин:

олий таълим муассасасининг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини тасдиқлаш, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг юқори ўринларидан жой олиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни белгилаш ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилиб бориш;

олий таълим муассасасининг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

таълим йўналишлари, мутахассисликлар ҳамда ихтисосликлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

олий таълим муассасаси олдида қўйилган вазифалар ижроси, мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича ректор ва проректорлар фаолиятини ўрганиш ҳамда ахборотини эшитиш;

олий таълим муассасасининг ички аудит ва молиявий назорат хизма-

тига молиявий назорат ўтказиш учун қўшимча топшириқ бериш ҳамда назорат тадбирларининг натижаси юзасидан ҳисобот олиш;

олий таълим муассасасини ривожлантириш ва унинг молиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилоти кўринишида мақсадли капитал жамғармасини шакллантириш;

илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларининг инновацион ва бошқа жамғармалар маблағларини сарфлаш тартиби ва йўналишларини мустақил белгилаш;

олий таълим муассасаси раҳбари ва ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилари фаолиятига баҳо бериш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини (KPI) тасдиқлаш;

олий таълим муассасаси ҳамда улар ҳузуридаги таълим ва илмий муассасаларнинг раҳбари ва ходимлари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, хорижий мутахассислар учун меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва самарадорлик мезонларига асосланган рағбатлантириш тартибини мустақил белгилаш;

олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан харажатларнинг тақсимланиш улушини мустақил белгилаш.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда уч ой муддатда давлат олий таълим муассасалари талабалари учун электрон шартномалар тузиш, тўлов-контракт асосида ўқитиш харажатларини онлайн тўлаш ва маблағлар ҳисобини юритиш бўйича ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) ишлаб чиқсин ҳамда Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

Белгилансинки, Ахборот тизимига уланиш идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча давлат олий таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

Ахборот тизимини амалиётга жорий этиш, қўллаб-қувватлаш ва олий таълим муассасаларига шартнома асосида хизмат кўрсатиш вазифаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказига юклатилсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўйсунувида олий таълим муассасаси мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

ҳалқаро молия ташкилотларини жалб қилган ҳолда 2022 йил якунига қадар давлат олий таълим муассасаларида бозор механизмларига асосланган бизнес жараёнларини жорий этиш, уларни хусусийлаштириш, улар фаолиятига корпоратив бошқарувни жорий этиш ҳамда тўлиқ молиявий мустақиллик бериш орқали таълим сифатини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

олий таълим муассасаси ҳамда битирувчилар ўртасида узвий алоқа

ўрнатиш, уларнинг келгуси профессионал фаолияти, эришган ютуқлари ва тажрибаларини ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб бориш, улар билан талабалар ўртасида алоқа ўрнатиш, маҳорат дарслари ташкил этиш юзасидан зарур чоралар кўрсин. Бунда, битирувчиларнинг келгусида эришган ютуқлари олий таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан бири ҳисобланади;

олий таълим муассасалари раҳбарларининг фуқароларга таълим хизматлари кўрсатиш камрови ва сифатини ошириш, таълим жараёнини илғор олий таълим стандартларига мувофиқлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка мунтазам равишда ҳисобот бериб боришини таъминласин.

9. Тиббиёт олий таълим муассасаларига уларнинг клиникаларида моддий-техник базани мустаҳкамлаш, шунингдек, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан зарур маблағлар сарфлашга рухсат берилсин.

10. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

давлат олий таълим муассасалари Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўлашдан озод этилганлиги;

молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига қонунчиликда олий таълим муассасалари учун назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилиши;

молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига ижтимоий солиқнинг 12 фоиз миқдордаги ставкаси қўлланилиши.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 сентябрдаги «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6318-сон Фармони 3-бандида назарда тутилган божхона божидан озод қилиш бўйича имтиёз ўқув ҳамда илмий лаборатория жиҳозлари, махсус асбоб-ускуналар, ўқув, илмий-методик адабиётлар, ўқитишнинг техник воситалари, мультимедиа маҳсулотларини олиб қирувчи барча юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда божхона божидан озод қилинадиган товарлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ички аудит ва молиявий назорат хизматлари учун давлат олий таълим муассасалари харажатларини «УзАСБО» дастурий мажмуаси орқали онлайн мониторинг қилиш имкониятини яратсин. Бунда, харажатларни амалга оширишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар бўйича «таҳлика-таҳлил» тизимини йўлга қўйсин;

Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасига тўлов-кон-

тракт маблағлари ҳисобидан ажратмаларнинг Молия вазирлиги ахборот тизими орқали автоматик тарзда ўтказилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Миллий телерадиокомпания Миллий ахборот агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишга доир махсус медиа-режа ишлаб чиқсин ҳамда унинг ижросини таъминласин.

14. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги уч ой муддатда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Молия вазирлиги билан биргаликда бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдори асосида молиялаштириш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 июль ва 2023 йил 1 январга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 декабрь,
ПҚ-61-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги
ПҚ-61-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Молиявий мустақиллик берилаётган давлат
олий таълим муассасалари
РЎЙХАТИ**

1. Самарқанд давлат чет тиллар институти
2. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
3. Тошкент давлат юридик университети
4. Тошкент давлат иқтисодиёт университети
5. Тошкент молия институти
6. Тошкент давлат шарқшунослик университети
7. Тошкент фармацевтика институти
8. Тошкент давлат транспорт университети
9. Урганч давлат университети
10. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
11. Андижон машинасозлик институти
12. Тошкент кимё-технология институти
13. Самарқанд давлат университети
14. Ўзбекистон Миллий университети
15. Тошкент давлат техника университети
16. Тошкент тиббиёт академияси
17. Қорақалпоқ давлат университети
18. Қорақалпоғистон тиббиёт институти
19. Бухоро давлат университети
20. Бухоро давлат тиббиёт институти
21. Самарқанд давлат тиббиёт институти
22. Қарши давлат университети
23. Термиз давлат университети
24. Тошкент давлат аграр университети
25. Гулистон давлат университети
26. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
27. Наманган давлат университети
28. Фарғона давлат университети
29. Геология фанлари университети
30. Андижон давлат университети
31. Андижон давлат тиббиёт институти
32. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
33. Тошкент педиатрия тиббиёт институти
34. Тошкент давлат стоматология институти
35. Тошкент ахборот технологиялари университети

Изоҳ:

2023 йил 1 январдан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Республика олий таълим кенгаши ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда мазкур рўйхатга қўшимча давлат олий таълим муассасаларини киритиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги
ПҚ-61-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги «Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5787-сон Фармони 6-бандининг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5987-сон Фармони 16-бандининг еттинчи хатбошиси «барча ажратмалардан» сўзларидан кейин «2025 йилга қадар» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги «Республика олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3389-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошисидан «ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизгача миқдорда)» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмундаги 43-банд билан тўлдирилсин:

«43. Олий таълим муассасалари томонидан хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни (муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан), сарфланадиган лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) харид қилиш».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4007-сон қарори 5-бандининг «а» кичик банди учинчи

хатбошисидан «олий тиббиёт таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланадиган пуллик ўқиш контрактлари бўйича тушумлар, шунингдек,» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги «Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4041-сон қарорида:

а) 4, 6, 7 ва 8-бандлардаги «2019/2020» рақамлари «2020/2021» рақамлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги «2019/2020 ва 2020/2021» сўзлари «2020/2021 ва 2021/2022» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4319-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарорида:

а) 7-банди қуйидаги таҳрирдаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг «а», «б» ва «в» кичик бандлари молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди»;

б) 12-банднинг биринчи хатбошисидаги «2022» рақами «2025» рақами билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4666-сон қарори 6-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Молия вазирлиги 2022/2023 ўқув йилида соғлиқни сақлаш соҳаси учун 50 нафар менежер мутахассисларни магистрлик йўналиши бўйича давлат гранти асосида тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш чораларини кўрсин».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5020-сон қарори 15-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2021/2022 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 100 нафардан хотин-қизлар учун ҳар йили маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳамда молиявий барқарор давлат олий таълим муассасалари томонидан уларнинг Кенгаши қарорига асосан 50 нафаргача хотин-қизлар учун давлат олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 150 нафардан хотин-қизлар учун ҳар йили маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплаб берилади».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги «Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5254-сон қарорининг 11-банди қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2022/2023 ўқув йилида соғлиқни сақлаш соҳаси учун 50 нафар менежер мутахассисларни магистрлик йўналишида (Master of Healthcare Administration) давлат гранти асосида Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер ва бошқа нодавлат олий таълим ташкилотларида тайёрлаш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда шартномалар тузилишини ва бу билан боғлиқ харажатларнинг мазкур мақсадлар учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 январдаги «Тошкент шаҳрида «Санкт-Петербург давлат университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4942-сон қарори 3-бандининг олтинчи хатбошисидаги ва 9-бандининг «б» кичик бандидаги «2021/2022» рақамлари «2022/2023» рақамлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сон қарорида:

а) 3-банд қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2022 йил 1 январдан бошлаб, олий таълим муассасаларининг кўчмас мулкани ижарага беришдан тушган маблағнинг 1 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин — мазкур олий таълим муассасасининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади»;

олтинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 23-банди қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«олий таълим муассасаларининг кўчмас мулкани ижарага беришдан тушган маблағнинг 1 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин — мазкур олий таълим муассасасининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади»;

олтинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича еттинчи — ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги «Адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 124-сон қарорининг 5-бандидан «, шу жумладан Тошкент давлат юридик университетига ўқитишнинг оширилган тўлов-контракт суммасини тўлашдан тушадиган маблағлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 130-сон қарорининг 5-бандидан «олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизгача миқдорда),» сўзлари чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт (шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт) шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг мазкур маблағлар бўйича молия йили охирига қолдиқ (тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилган маблағлар ҳам инобатга олинган ҳолда) қисмининг 4 фоизи миқдоридаги ажратмалар»;

б) 5-банддаги «1 апрелидан» сўзлари «10 январидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**773 Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПФ–29-сон Фармони ва 2021 йил 3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–31-сон қарорига мувофиқ:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасига иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари лавозимини қисқартириш ҳисобига, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари — Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори лавозими киритилсин.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республикада тадбиркорликни ва маҳаллаларни иқтисодий ривожлантириш борасида ягона давлат сиёсатини юритиш;

маҳаллабай ишлашнинг вертикал тизими асосида аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўқитиш ҳамда ўзини ўзи банд қилиш фаолиятига йўналтириш;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) фаолиятини мувофиқлаштириш;

иқтисодий ривожланишни таъминлашда тадбиркорликни муҳим драйверга айлантиришнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

маҳаллий ҳокимликлар билан бирга ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 декабрда эълон қилинган.

ва тизимли таҳлил қилиш асосида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва говларни бартараф этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси бевосита Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибига ўтказилсин.

4. Қўйидагилар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказларининг намунавий тузилмаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда — Агентликнинг ҳудудий бошқармалари) бошлиқлари Агентлик директори томонидан тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномаси асосида лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказларининг (кейинги ўринларда — марказлар) бошлиқлари Агентликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан Агентлик билан келишган ҳолда туман (шаҳар) ҳокимлари тақдимномаси асосида лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда марказларни малакали ва салоҳиятли кадрлар билан тўлдирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва марказларга кадрлар қабул қилишнинг соддалаштирилган тартибда очик мустақил танлов асосида амалга оширилиши ва лавозимга тайинланиши бўйича амалий ёрдам кўрсатсин.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан ҳамкорликда:

бир ой муддатда ҳоким ёрдамчилари ишини тўғри ташкил этишга услубий кўмак кўрсатиш тизимини йўлга қўйсин;

жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳолатини чуқур таҳлил қилган ҳолда, ҳоким ёрдамчилари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

8. Агентлик таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

2022 йил 1 январдан бошлаб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва ўқитиш учун субсидиялар бериш йўналишидаги вазифа ва функциялари Жамғармага ўтказилади;

Агентлик таркибида 3 та штат бирлигидан иборат Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилади ҳамда мазкур штат бирликлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳисобидан шакллантирилади;

2022 йилдан бошлаб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва ўқитиш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертлар Жамғармага йўналтирилади, 2023 йилдан бошлаб — Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу маблағлар Жамғарма учун ажратилиши кўзда тутилади.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш ва баҳолаб бориш имконини берувчи ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар маълумотлар базалари билан интеграция қилинган «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ишга туширилишини таъминласин.

11. Қўйидагилар бир ой муддатда:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Агентликни барча зарур қулайликларга эга бўлган бинога;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда марказларни зарур мебель ва анжомлар, ахборот-коммуникация (компьютер, принтер, нусха кўчириш аппарати, интернет) ва алоқа воситалари билан жиҳозланган биноларга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини таъминласин.

12. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари фаолияти ва

улар эришаётган натижаларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бир ой муддатда:

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси тўғрисидаги низом лойиҳаларини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари — Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 декабрь,
ПҚ-62-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

774 Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ–57-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ–57-сон қарори 3-бандига мувофиқ:

Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда — Идоралараро кенгаш) таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ҳамда Тадбиркор ногирон-аёллар миллий ассоциацияси раҳбарлари киритилганлиги;

Идоралараро кенгашнинг зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича қўшимча вазифалар юклатилганлиги;

Идоралараро кенгашга раҳбарлик қилиш Савдо-саноат палатасининг раиси А. Икрамов зиммасига юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш таркиби 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагиларни назарда тутувчи Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Идоралараро кенгашнинг мақоми, вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 декабрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Идоралараро кенгаш таркибини шакллантириш, унинг мажлисини чакириш ва ўтказиш тартиби;

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигини Идоралараро кенгашнинг ишчи органи этиб белгилаш;

Идоралараро кенгаш фаолиятининг натижадорлигини баҳолаш тартиби.

4. Идоралараро кенгаш (А. Икрамов) уч кун муддатда қуйидаги биринчи навбатда амалга оширилиши зарур бўлган масалаларга алохида эътибор қаратган ҳолда Кенгаш мажлисини ўтказсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ–57-сон қарори ижросини таъминлашга қаратилган «йўл харитаси»ни тасдиқлаш;

Идоралараро кенгаш аъзоларининг, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг кенгаш фаолиятини амалга ошириш бўйича асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилаш;

Идоралараро кенгашнинг 2022 йилга мўлжалланган ойма-ой амалга ошириладиган иш режасини ҳамда уларни барвақт ва сифатли бажариш бўйича режа-графикларини тасдиқлаш.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2021 йил 29 апрелдаги 257-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.И. Икрамов ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 декабрь,
769-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 23 декабрдаги 769-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича
идоралараро кенгаш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгашнинг (кейинги ўринларда — Идоралараро кенгаш) мақоми, вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Идоралараро кенгаш ногоиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга ва «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишини таъминлашга қаратилган келишилган сазъ-ҳаракатларни ишлаб чиқиш мақсадида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маслаҳатлашув органи ҳисобланади.

3. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

**2-боб. Идоралараро кенгашнинг вазифалари ва
функциялари**

4. Қуйидагилар Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини тиклаш, уларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлашга доир давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишига, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлашга, малакасини ошириш, меҳнат қилиши ва бандлигига қўмаклашиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратишда иштирок этиш.

5. Қуйидагилар Идоралараро кенгашнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича қўшимча вазифалари ҳисобланади:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим муассасаларида инклюзив таълимини ривожлантириш, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш учун муқобил шаклдаги ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

таълим муассасаларини битирувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг тавсия этилган касблар бўйича белгиланган тартибда корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташ ва тажриба алмашишини ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг корхона ва ташкилотлардаги иш жойларини жиҳозлаш, мослаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарурий меҳнат шароитларини ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни улар ишга жойлашгандан сўнг ҳамда тадбиркорлик, ҳунармандчилик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлагандан кейин қўллаб-қувватлаш механизмларини татбиқ этиш.

6. Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, шунингдек, соҳа бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат томонидан белгиланган кафолатланган хизматлардан фойдаланишда давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

б) ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини тиклаш, уларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлашга доир давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш соҳасида:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг сифатли соғлиқни сақлаш хизматларидан, уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олувчи тиббий ёрдамдан бошқа фуқаролар билан тенг равишда фойдаланишига кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларни санаторий-курортда бепул соғломлаштиришга, тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилишга, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлашга кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини тиклаш, уларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлашга доир давлат дастурларига таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

в) ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишига, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлашга, малакасини ошириш, меҳнат қилиши ва бандлигига кўмаклашиш соҳасида:

ногиронлиги бўлган шахслар барча даражалардаги таълим ташкилотларида таълим олиш ва ўз қобилиятини янада тўлиқроқ ривожлантириши учун бутун умри давомида таълим олишини ташкил этишда иштирок этади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив таълимини ривожлантиришни, уларнинг таълим олиши ва касбий тайёргарликдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг одатдаги меҳнат шароитларига эга ташкилотларда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи ихтисослаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда ишлашига, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишига кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, ушбу шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

г) ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратишда иштирок этиш соҳасида:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик белгисига кўра камситилишига йўл қўймаслик ҳамда хизматлардан, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар, соғлиқни сақлаш, таълим объектларидан, шунингдек, ахборот ва алоқа воситаларидан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга ва ишга жойлашишига кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурларидан ва бошқа махсус дастурлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш чораларини кўради;

транспорт воситалари ва йўл инфратузилмасидан фойдаланишда ногиронлиги бўлган шахсларга қулайликни таъминлашга кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг моддий маданий мерос объектлари, туристик ҳамда спорт объектлари ва иншоотларидан, шунингдек, дам олиш объектларидан фойдаланишини таъминлашга амалий-методик ёрдам кўрсатади;

ижтимоий инфратузилма объектларига ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсқинликсиз кириши учун етарли шароитлар яратилиши ҳамда жамоат транспортини мослаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

3-боб. Идоралараро кенгашнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун: Идоралараро кенгаш ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳуж-

жатлар, статистик маълумотлар, ҳисоботлар, таҳлилий материаллар, ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларнинг ижроси бўйича маълумотлар ва бошқа ахборотларни вазирликлар ва идоралардан сўраш ва олиш;

давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари мансабдор шахсларини ўз йиғилишларига таклиф этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича республика ҳудудида ташкил этиладиган йиғилишлар, конференциялар ва семинарларда иштирок этиш учун ўз вакилларини юбориш ҳуқуқига эга.

8. Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши ҳамда самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

4-боб. Идоралараро кенгаш фаолиятини ташкил этиш

9. Идоралараро кенгаш шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Идоралараро кенгаш таркибига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ўз ваколатига қирадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари киритилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Идоралараро кенгаш раиси ҳисобланади.

Идоралараро кенгаш раиси:

Идоралараро кенгаш самарали ишлашини таъминлайди;

Идоралараро кенгаш аъзолари ишини мувофиқлаштиради;

Идоралараро кенгаш иш регламентини тасдиқлайди;

Идоралараро кенгашнинг кун тартибини белгилайди ва унинг мажлисларини чақиради.

12. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги Идоралараро кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда — ишчи орган) ҳисобланади.

13. Ишчи орган:

Идоралараро кенгаш мажлисларига зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади;

Идоралараро кенгашнинг баённомаларини расмийлаштиради ва Идоралараро кенгаш аъзоларига юборади;

вазирликлар ва идоралардан Идоралараро кенгашнинг вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни белгиланган тартибда сўрайди ва олади;

Идоралараро кенгашда иш юритилишини таъминлайди;

Идоралараро кенгашнинг қарорларига мувофиқ бошқа вазифалар ва функцияларни амалга оширади.

14. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятини Идоралараро комиссиянинг иш регламентига ва кун тартибига мувофиқ мажлисларни тизимли асосда ўтказиш орқали амалга оширади.

Идоралараро кенгашнинг мажлислари заруратга қараб, бироқ ҳар ярим йилда камида бир марта раис томонидан чақирилади.

Мажлисни Идоралараро кенгаш раиси, у бўлмаганда Идоралараро кенгаш раисининг ўринбосари ўтказиши.

15. Идоралараро кенгашнинг қарорлари Идоралараро кенгашнинг мажлисда иштирок этаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлганда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Идоралараро кенгашнинг мажлисига кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига боғлиқ равишда Идоралараро кенгаш аъзолари ҳисобланмаган бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

16. Истисно ҳолларда, қарорларни тезликда қабул қилиш мақсадида Идоралараро кенгашнинг раиси айрим масалалар бўйича Идоралараро кенгашнинг қарорларини сўров йўли билан тасдиқлашга ҳақлидир.

17. Идоралараро кенгашнинг қарорлари унинг мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади. Идоралараро кенгаш мажлисининг баённомасига унинг барча аъзолари томонидан виза қўйилади, Идоралараро кенгаш котиби томонидан имзоланади ҳамда Идоралараро кенгашнинг раиси томонидан тасдиқланади.

Идоралараро кенгаш баённомасининг асли ва унга тегишли материаллар ишчи органда сақланади.

18. Юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш мақсадида Идоралараро кенгашнинг котиби:

Идоралараро кенгашнинг раиси билан келишиш учун йиғилишларнинг муддатлари, ўтказилиш жойи ва кун тартиби бўйича таклифларни шакллантиради;

Идоралараро кенгаш аъзоларини навбатдаги йиғилишнинг муддати, ўтказилиш жойи ва кун тартиби бўйича хабардор қилади, уларни зарур материаллар билан таъминлайди;

Идоралараро кенгашнинг баённомаларини юритади ва йиғилиш ўтказилишини ва иш юритилишини ташкил этади;

тасдиқланган баённомаларни Идоралараро кенгашнинг аъзоларига таркатади;

Идоралараро кенгаш баённомаларининг ижроси мониторингини олиб боради;

Идоралараро кенгаш раисининг Идоралараро кенгаш фаолиятига оид топшириқларини бажаради;

Идоралараро кенгашнинг кун тартиби масалалари бўйича таҳлилий материалларни тайёрлайди.

**5-боб. Идоралараро кенгаш фаолиятининг
самарадорлигига доир талаблар**

19. Идоралараро кенгаш раиси унинг фаолиятини самарали ташкил этиш, юклатилган вазифалар ва функцияларни сифатли бажариш, унинг таркибини янгилаб бориш, шунингдек, юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилган ёки самарасиз фаолият юритилган ҳолларда уларни оптималлаштириш бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотларига таклиф киритиш юзасидан жавоб беради.

20. Идоралараро кенгаш фаолиятининг натижадорлиги ташкил этилган пайдан бошлаб ҳар йил якунлари бўйича Идоралараро кенгаш раиси томонидан Идоралараро кенгашга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши сифати мезонига асосан баҳолаб борилади.

6-боб. Якунловчи қоида

21. Идоралараро кенгашни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

775 Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомнинг 49-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Адлия вазирлиги **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2016 йил 22 апрелдаги 1-2016, 4-сон қарори (рўйхат рақами 2780, 2016 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 172-модда) билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомнинг 49-бандида:

иккинчи хатбошидаги «бир иш куни» деган сўзлар «72 соат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «бир иш куни» деган сўзлар «72 соат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 13 декабрь,
45-2021-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 декабрда эълон қилинган.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 декабрь,
3-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

776 Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция
фаолияти тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгарти-
ришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1982-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 3 июлдаги 68-сон буйруғи (рўйхат рақами 1982, 2009 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 29-сон, 340-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 13 декабрь,
76-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2021 йил 13 декабрдаги
76-сон буйруғига
ИЛОВА

**Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция
фаолияти тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чиқарилган корпоратив облига-
циялар.».

2. 21-бандда:

а) «а» кичик банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (иқтисодиёт, молия, бухгалтерия, математика, ахборот технологиялари соҳаларида) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республи-
касида тан олинган олий (иқтисодиёт, молия, бухгалтерия, математика, ахборот технологиялари соҳаларида) маълумотга эга бўлиши;»;

б) «б» кичик бандда:

«2 йилдан» деган сўзлар «1 йилдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Бунда, масъул шахс қуйидагилардан бирига эга бўлган тақдирда, унга
иш стажига эга бўлиш бўйича талаб қўйилмайди:

«Сертификатланган ички аудитор (CIA)» ёки «Сертификатланган молия-
вий таҳлилчи (CFA)» халқаро сертификатлари;

«Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Серти-
фикатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Халқаро молиявий ҳисобот
бўйича диплом (DipIFR)» ёки «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер
(CPA)» халқаро бухгалтерлик сертификатлари;

«Сертификатланган риск менежери (CRM)» ёки «Молиявий риск ме-
нежери (FRM)» таваккалчиликни бошқаришга оид халқаро сертификатла-
ри.».

3. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Сав-
до-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2021 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

777 «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юклагмаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3076-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 ноябрдаги ПФ-3-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 22 октябрдаги 655-сон «Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **бўйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юклагмаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3076, 2018 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 41-сон, 816-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 ноябрь,
44-2021-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2021 йил 30 ноябрдаги 44-2021-сон буйруғига
ИЛОВА

«Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкларини ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) муқаддиманинг иккинчи хатбошисидаги «ҳарбий олий» деган сўзлар «олий ҳарбий ҳамда ҳарбийлаштирилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 2-илова 17-позициясининг «Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш» устунисидаги «илмий-техник» деган сўзлар «илмий» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

778 Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3165-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 ноябрдаги ЎРҚ–583-сон «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПФ–6262-сон «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги ПҚ–4960-сон «Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг 2019 йил 29 апрелдаги 6-сон қарори (рўйхат рақами 3165, 2019 йил 7 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 10/19/3165-сон) билан тасдиқланган Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидаларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Н. БАКИРОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 14 декабрь,
4-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг
2021 йил 14 декабрдаги 4-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик
(нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини,
сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир
қоидаларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг бешинчи хатбошисидаги «уруғликлар туркуми» деган сўзлар «уруғликлар тўдаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Текшириш учун уруғликлардан намуналар олиш уруғлик етказиб берувчи иштирокида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (бундан буён матнда Институт деб юритилади) ходими (бундан буён матнда Масъул шахс деб юритилади) томонидан амалга оширилади.»

3. 16-банддаги, 17-банднинг биринчи хатбошисидаги, 18-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 20 ва 21-бандлардаги, 23-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 8-илова матнидаги «Марказ» деган сўз «Институт» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 17-банднинг «б» кичик банди бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 1-илова матнидаги «хузуридаги Ўрмон ва доривор ўсимликлари таҳлил Марказига» деган сўзлар «Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

779 Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-7

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 21 январдаги 16-сон буйруғи (рўйхат рақами 3127, 2019 йил 22 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2019 й., 10/19/3127/2525-сон) билан тасдиқланган Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 декабрь,
37-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлиги директорининг 2021 йил
10 декабрдаги 37-сон буйруғига
ИЛОВА

Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Лицензиат қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий во-
риси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш куни ичида лицензияловчи
органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 декабрда эълон қилинган.

илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.».

2. 27-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

780 «Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2594-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Расмий статистика тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (рўйхат рақами 2594, 2014 йил 12 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 24-сон, 299-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раиси

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 1 декабрь,
13-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил
1 декабрдаги 13-мб-сон қарорига
ИЛОВА

«Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Расмий статистика тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сон «Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:».

2. Йўриқноманинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Расмий статистика тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (бундан буён матнда Давлат статистика қўмитаси деб юритилади) ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни, юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System» асосида Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига (бундан буён матнда КТЯДР деб юритилади) киритиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

781 «Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3312-1

Ўзбекистон Республикасининг «Расмий статистика тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (рўйхат рақами 3312, 2021 йил 16 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.07.2021 й., 10/21/3312/0684-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Тошкент ш.,
2021 йил 1 декабрь,
14-мб-сон

Б. БЕГАЛОВ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил
1 декабрдаги 14-мб-сон қарорига
ИЛОВА

«Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорнинг муқаддимасидаги «Давлат статистикаси» деган сўзлар «Расмий статистика» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

муқаддимадаги «Давлат статистикаси» деган сўзлар «Расмий статистика» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 декабрда эълон қилинган.

1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**респондент** — расмий статистикани тайёрловчиларга индивидуал ва бошқа маълумотларни статистика мақсадларида тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

782 Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ходимлари
учун ишлар хавфсизлиги қоидаларига ўзгартириш-
лар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2213-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 1 мартдаги 56-сон буйруғи (рўйхат рақами 2213, 2011 йил 4 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 144-модда) билан тасдиқланган Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ходимлари учун ишлар хавфсизлиги қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 14 декабрь,
25/ЮБ-14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат
қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги
25/ЮБ-14-сон қарорига
ИЛОВА

**Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ходимлари
учун ишлар хавфсизлиги қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»

2. 33-банддаги «худудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг худудий бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 136-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«136. Ташкилотларда электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари ва мазкур қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.»

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 декабрдаги 45-2021-сон ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 3-сон «Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомнинг 49-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780-4.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 13 декабрдаги 76-сон «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1982-2.

3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 ноябрдаги 44-2021-сон «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкмаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3076-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 4-сон «Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3165-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2021 йил 10 декабрдаги 37-сон «Крипто-

биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-7.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 1 декабрдаги 13-тб-сон «Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-system»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2594-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 1 декабрдаги 14-тб-сон «Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3312-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 25/ЮБ-14-сон «Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ходимлари учун ишлар хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2213-4.

